

*Азиз  
Каюмов*  
*сайланы*




У:ВЗ, ЗУГ  
К34

# ЛАЗИЗ ҚАЮМОВ

Сайланма  
икки жилдлик  
БИРИНЧИ ЖИЛД

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

Ҳаёти ва ижоди



Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1981

83. 3Y3  
K 35

K  $\frac{70202 - 9}{M 352(04) - 81}$  7-81 4603010202

## ИСТЕЬДОД ҮФҚЛАРИ

Назаримда, энг мароқли кишилар, халқ ва жамият ҳаёти-нинг барча соҳаларини тебратаетган кишилар — бу истеъдодли кишилардир.

Истеъдод — табиатнинг ажабтовур эҳсонларидан бири. Табиатнинг бу гаройиб эҳсонига сазовор бўлган ҳар бир киши чинакамига бахтли, саодатлидир. Истеъдоднинг гавҳар куртаклари ҳишурган кишилар бу куртакларнинг чаман бўлиб гуллаши ва ҳосилга кириши учун астойдил қайғуришлари зарур. Зоро, меҳнатда чархланмаган, сайқалланмаган истеъдод учқундек беиз сўниши мумкин.

Шундай кишилар борки табиат улардан ҳеч нарсани аямаган. Уларда ғайрат ва шиҷоат ҳам, ақл ва заковат ҳам, дид ва фаросат ҳам, сиҳат ва саломатлик ҳам, истеъдод ва иқтидор ҳам бор. Тарих бундай кишилар олдига одатда улкан вазифалар қўяди.

Назаримда, адабиётимизнинг байроқдори, бутун маданиятимизнинг тиним билмас жонкуяри Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ана шундай сиймолардан эди. Тарих унинг олдига янги ҳаёт учун курашиш, янги адабиёт ва янги маданият пойдеворини яратиш вазифасини қўйди ва у бу бениҳоя машақкатли ва шарафли вазифанинг уддасидан чиқди.

Ҳамза чинакам истеъдод соҳиби сифатида ранг-баранг қиррали ижодкор ва курашчи эди. У ажойиб нотиқ ва агитатор, шоир ва педагог, бастакор ва фольклорист, актер ва режиссер эди. Унинг ранг-баранг ижодий фаолияти ҳозирги маданиятимизнинг қарийб барча соҳаларини ўз ичига қамраб олади.

Назаримда, истеъдодли адабиётшунос олим, совет адабиётшунослиги ва танқидчилигининг кўзга кўринган намояндаси Лазиз Қаюмовнинг Ҳамза ижоди билан шуғулланиши тасодифий эмас. Унинг илмий ва ижодий диапазони ҳам Ҳамза ижодининг үфқлари сингари ниҳоятда кенг. Унинг ижоди ҳам актив партиявий

руҳ билан сугорилган. Унинг фаолияти учун ҳам куйинчаклик, жонкуярлик, жонбозлик — характерли хусусиятдир.

Лазиз Қаюмовнинг Ҳамза ижоди деб аталмиш қутлуг даргоҳга кириб келиши бежиз әмас. У шоирлар шаҳри, фозиллар фахри Қўқонда, ажойиб мательфатпарвар педагог Пулатжон Қаюмовнинг оиласида таваллуд топди. Пулатжон домла Муқимий ва Завқий билан суҳбатдош бўлган, Қўқонлик таниғли шоирлар даврасида улгайган, билимдон ва нуктадон аллома эди. У фақат Қўқон адабий муҳитинигина әмас, балки умуман ўзбек классик адабиёти тарихини пухта эгаллаган эди. У узоқ йиллар мобайнида Ҳамза билан дустона муносабатда бўлди. Ўзбек классик адабиётiga бўлган ихлос, оловқалб Ҳамза ижодига нисбатан эҳтиросли муносабат Лазиз Қаюмовга ана шу пурхикмат отадан бир умрга мерос бўлиб қолди.

Олим фан кандидати дипломига эга бўлгандан кейингина Ҳамза ижоди билан шуғулланди. У Ҳамзага қадар ҳозирги адабий жараённинг долзарб назарий масалаларини ўрганди. Унинг кандидатлик диссертацияси эса урушдан кейинги қишлоқ ҳаёти тўғрисидаги, ўзбек романларида типиклик проблемасини тадқиқ этишга бағишиланди. Лекин, менимча, Лазиз Қаюмовнинг адабиётшунос сифатида ҳам, ёзувчи сифатида ҳам, шахс сифатида ҳам шаклланиши ва камолатга эришиши унинг Ҳамза ижодини тадқиқ этиш йиллари билан боғлиқдир.

Одатда ижодкорнинг муайян тарихий шахс ҳаёти билан қизиқиши, адабиётшунос олимнинг эса муайян ёзувчи ижоди билан шуғулланиши қандайдир руҳий яқинликка асосланади. Ойбекнинг Навоний сиймоси билан шуғулланиши бежиз бўлмаганидек, Ҳомил Ёқубовнинг ҳам Ойбек ижодининг тадқиқотчиси булишида маълум бир қонуният бор. Агар бирор реал қаҳрамон тасвири муайян адаб ҳаётининг маъносини ташкил этган ёки бирор адабининг ижоди муайян адабиётшунос олим фаолиятининг бош мавзуига айланган бўлса, демак, улар ўртасида руҳий ва маънавий яқинлик бор. Менимча Ҳамза сиймоси билан Лазиз Қаюмов шахси ўртасида ҳам шундай алоқа мавжуд. Лазиз Қаюмов Ҳамза ҳаёти ва ижодини фақат олим сифатидагина әмас, балки адаб сифатида ҳам тадқиқ этди. Унинг Ҳамзага бағишиланган юзга яқин асарлари орасида воқеий ҳикоялар ҳам, ҳужжатли фильм сценарийлари ҳам, пьеса ҳам бор. Ҳамза Лазиз Қаюмов истеъодига мансуб бўлган илмий иқтидорнинггина әмас, балки бадий лаёқатнинг ҳам рӯёбга чиқишига сабабкор бўлди.

Ҳамза Лазиз Қаюмовга қадар ҳам кўпгина олимларимизнинг диққат-эътиборларини жалб этган эди. Сотти Ҳусайн, Шокир Сулеймон, Воҳид Зоҳидов, Юсуф Султон, Иzzат Султон, Ҳамза ҳаёти

ва ижодини урганиш ишига салмоқли ҳисса қўшган эди. Бироқ бу олимларнинг хизматларини камситмаган ҳолда шуни айтиш керакки, Ҳамза ҳақидаги тасаввурларимиз Лазиз Қаюмов туфайли фундаментал билимга айланди. Бугунги ҳамзашунослик илмининг уғқини Лазиз Қаюмовнинг китоблари, рисолалари ва мақолалари бениҳоя қенгайтириб юборди. Унинг самарали изланишлари ва илмий ишларидан кейин Ҳамзанинг бир томлик ва ҳатто икки томлик «Танланган асарлари» оташин шоир ва драматург ҳақида чала тасаввур берадигани аён бўлиб маънавий-эстетик эҳтиёжимизни қондиролмай қолди. Ҳамза ҳақидаги аввалги тасаввурлар эскириб, унинг барваста ва баҳайбат гавдаси адабиётимизнинг улкан тарихи оша баралла қад кутарди. Ҳамза инқилоб йилларида яшаган ва нисбатан олис аждодимиздан буюк замондошимизга айланди.

Мен Лазиз Қаюмовнинг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга бағишланган илмий трилогияси — «Инқилоб куйчиси» (1962), — «Инқилоб ва ижод» (1964) ва «Инқилобий драма» (1970) ҳамда «Ажойиб кишилар ҳаёти» сериясида нашр этилган «Ҳамза» (1973) китобларини айниқса қадрлайман. Бу китоблар олимнинг эришилган нуқтада тўхтаб қолмаслигини, унинг ҳамиша изланиш ва ҳамиша кашфиёт иқлимида яшашини намойиш этади. Ижод ва илм чиндан ҳам дарё каби ҳамиша ҳаракатда бўлиши керак. Акс ҳолда юксалиш бўлмайди.

Шу нарса қувончлики, Лазиз Қаюмов Ҳамза ижоди устида машғул бўлиш билан бир пайтда ажойиб ўзбек маърифатпарвар шоираси Анбар отинни қашф этиш, унинг адабий меросини ахтариб топиш ва тадқиқ этишда катта жонбозлик кўрсатди. У айни пайтда Нодира, Увайсий, Анбар отин каби ўзбек шоираларининг машҳур халафи — Зулфия ижодини меҳр билан ўрганди. Унинг суюкли шоиромиз Зулфияга бағишлиланган китоби икки марта — 1965 йилда ва кейинчалик, тўлдирилган ва бойитилган ҳолда, 1975 йилда қайта нашр этилди.

Олимнинг, бир томондан, инқилобга қадар бўлган ўзбек аёлининг орзу ва армони, нола ва фигонини ифодалаган Анбар отин билан, иккинчи томондан, озод ўзбек хотин-қизларининг руҳий камолоти ва ижодий балогатини намойиш этган Зулфия билан қизиқишида катта маъно бор. Лазиз Қаюмов у ёки бу ёзувчининг ижодини текшириш орқали улуғ давримизнинг гоявий бойлигини очишга, социалистик жамиятнинг гуманистик моҳиятини инкишоф этишга интилади. Шунинг учун ҳам у ҳозирги ўзбек адабиётининг қарийб барча таниқли арбоблари ижодини фаол кузатиб, ўрганиб, тадқиқ этиб келади.

Мунаққиднинг энг яхши асарларидан бири «Замондошлар»

(1972) деб аталади. Бу китоб Ҳамзадан тортиб Эркин Воҳидовга қадар бўлган 27 нафар ўзбек ёзувчisinинг адабий портретини ўз ичига олади. Бу асар ўзбек совет адабиётининг илк кунларидан бошлаб ҳозирги даврга қадар босиб ўтган йўлини ўзида умумлаштиради. Шу маънода у, таниқли совет адабиётшуноси Виталий Озеров ибораси билан айтганда, ҳозирги ўзбек адабиётининг панорамасини ўзида мужассамлаштиради.

Бу китобда ижодий қиёфалари тасвирланган қарийб барча ўзбек ёзувчилари билан муаллиф шахсан таниш бўлган. Шунинг учун ҳам у китобдаги портретларни мумкин қадар жонли, мароқли ва жозибали тилда ёзишга, ўзига замондош ва суҳбатдош бўлган ёзувчilarning тирик ва мафтункор қиёфаларини тасвирлашга ҳаракат қилган. Натижада китобхон бу ёзувчilarniң ўзига хос ижодий қиёфаларини кўрибгина қолмай, улар билан шахсан мулоқатда бўлгандек бўлади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, олимнинг «Ҳамза» ва «Замондошлар» китоблари ҳозирги ўзбек адабиётшунослигининг баркамол асарлари ва ижодий ютуқлари сифатида 1973 йилда Ҳамза номидаги Ўзбекистон ~~—~~ Давлат мукофоти билан тақдирланди.

1974 йилда «Замондошлар»нинг мантиқий давоми бўлган «Қардошлар» китоби майдонга келди. Муаллиф бу асарида ўз тақдирини Ўзбекистон билан, ўзбек адабиёти билан bogлагan Николай Тихонов, Сергей Бородин, Валентин Овечкин каби адиллар ҳақида, Лермонтов, Некрасов, Горький, Маяковский, Шолохов сингари рус адабиётининг классиклари ҳақида, уларнинг ўзбек адабиёти равнақига курсатган таъсири ҳақида баҳс юритади. Лазиз Қаюмов ана шу тарзда ўзбек совет адабиёти масалаларини тадқиқ этар экан, адабий алоқалар ва адабий таъсирлар муаммосини ҳам четлаб ўтмайди. У ўзбек совет адабиётининг юксалишида муҳим аҳамиятга молик бўлган омилларни кунт ва ихлос билан ўрганади.

Лазиз Қаюмовнинг ижодий қиёфаси учун характерли фазилатлардан бири, юқорида айтилганда, ўткир партиявий руҳдир. Бу руҳ унинг «Бадиий ижодда ленинча таълимот» (1971), «Аср ва наср» (1975), «Меридианлардаги учрашувлар» (1976) ва бошқа китобларининг йўналишини белгилайди. Унинг ҳанузга қадар нашр этилган 25 китоби, 400 дан зиёд мақолалари ҳам худди шу руҳ билан сугорилган. Лекин шунга қарамай, бу руҳ унинг хорижий «советшунос» ва «ўзбекшуносларга» қарши қаратилган, марказий ва республика матбуотида изчил чоп этилиб келинаётган мақола ва памфлетларида айниқса янграб эшитилиб туради. Дарвоҷе, мунаққид ана шу руҳдаги бир туркум мақолалари учун

1974 йилда СССР Журналистлар союзи ва СССР Ёзувчилар союзининг фахрий мукофотига сазовор бўлган. 1980 йили эса, 50 ёшга тўлиши муносабати билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Фан арбоби» фахрий унвони берилди.

Мафкуравий кураш ҳозирги даврнинг энг қайноқ жабҳаларидан биридир. Бу кураш майдонларида голиб чиқиш учун ўтирий ғоявий қурол — марксча-ленинча мафкура билан қуролланишининг ўзи камлик қиласиди. Бунинг учун душманнинг феълини, унинг тарихни сохталаштириш тактикасини, бу тактиканинг заиф жиҳатларини ҳам билиш керак. Лазиз Қаюмов — буржуа «советшунослар» и ва «ўзбекшунослар»ининг тухматдан иборат ёзмаларига муносиб зарба бераётган олимларимиздан. У ўз мақола ва китоблари билангина эмас, иттифоқ ва халқаро миқёсдаги турли учрашувлар, йигинилар ва конференциялардаги оташин нутқлари билан ҳам ғоявий душманларимизга зарба бериб, совет мафкурасини, совет адабиётини, унинг соф ниятли арбоблари ва гўзал обидаларини шараф билан ҳимоя этиб келмоқда. У Америка, Европа, Осиё ва Африка қитъаларининг ўндан ортиқ мамлакатларида бўлиб, она Ватанимиз ва совет адабиёти ҳақидаги ҳақиқатни тушунтириди, тарғиб ва ташвиқ этди.

Кишида гайрат ва шиҷоат ўти бор экан, у қанчалик банд бўлмасин, бу ўт тобора ёниб, аллангаланиб, янги ва янги сарҳадларга кучади. Лазиз Қаюмов Тошкент Давлат университети ~~оҳон~~ Ёзувчилар союзи правлениесининг аъзоси, Адабий танқидчилар халқаро ўюшмасининг аъзоси каби ўнлаб ижтимоий-ташкилий ҳамда ижодий юмушлар билан бениҳоя банд бўлишига қарамай, кейинги йилларда бадиий ижод билан ҳам шуғуллана бошлади. Олимнинг бадиий ижоди ҳам унинг илмий изланишлари билан чамбарчас боғлиқ. Чамамда бадиий ижод — унинг учун илмий тадқиқот ва тарғиботнинг янги бор формаси. Ҳар ҳолда унинг Муқимий, Анбар отин, Ҳамза Пабло Нерудага бағишлиланган ҳикоялари илмий ҳужжатларга, тарихий ҳақиқатга таянади.

Ҳамза таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан Тошкент ва Қўйон театрларида инқилоб кўйчисининг ёшлик йилларига бағишлиланган «Қалдирғоч» пьесаси саҳна юзини кўрди. Бу пьесага Сагишлиб чиқарилган афишаларда Лазиз Қаюмовнинг номи бор. Драматургияда ҳам ўз кучини сипаб кўраётган олим бу асарини «Қалдирғоч» деб бежиз атамаган бўлса керак. Назаримда у ҳали драматургияда ҳам, прозанинг бошқа жанrlарида ҳам бир қанча янги асарлар ёзади. Бунга имоним комил. Зероки, у ўзининг Ҳамзага Сагишлиган биринчи ҳужжатли фильмидан кейин талайгина сценарийлар ёзди ва бу сценарийлар асосида «Сенинг

«Ўзбекистонингман», «Тошкентнома», «Ғафур Ғулом», «Ҳамид Олимжон», «Зулфия», «Ҳамза театри», «Гўзаллик қонуни билан», «Гул сайли», «Инқилоб куйчиси», «Қитъалар қўлни қўлга берганда» каби ўндан зиёд ҳужжатли фильмлар суратга олинди.


Унинг фильмлари иттилоқ ва жаҳон экранига чиқди. Унинг адабий-танқидий асарлари ҳам на фақат ўзбек ва рус тилларида нашр этилди, балки қатор қардопи ҳалқлар тилларига, шунингдек, инглиз, француз, немис, испан, араб, болгар, сенегал, тамил, урду ва бошқа хорижий тилларга ҳам таржима этилиб, мамлакатимииздан олис юртларга ҳам етиб борди.

Педагоглик, танқидчилик ва адабиётшунослик публицистика ва ҳикоянавислик, драматургия ва кинодраматургия — фан ва маданиятимизнинг бир-бирига у қадар яқин бўлмаган соҳалари. Бу турли-туман соҳалар бир-бири билан учрашиши ва бир киши фаолиятининг турли қирраларига айланиши учун бу киши ниҳоятда истеъдодли бўлиши, даврнинг шиддатли одими билан баравар қадам ташлаши ва ҳаётнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиши керак. Лазиз Қаюмов ана шундай чинакам ва ранг-баранг жилога эга истеъдод соҳиби. У ўз ҳаётининг ҳар бир лаҳзасидан самарали фойдаланади. Шунинг учун ҳам унинг фаолияти, унинг иш суръати менга муборак ва фараҳли давримиз билан ҳамоҳанг булиб туюлади.

Комил Яшин.  
Академик-ёзувчи,  
Социалистик Мечнат Қаҳрамони

# **БИРИНЧИ КИТОБ**

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг  
Октябрь инқилобидан аввалги  
ижоди



## ҲАМЗАШУНОСЛИК ТАРИХИДАН

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий XX аср ўзбек адабиёти ва санъатининг энг иирик сиймосидир. Шунинг учун ҳам бу давр адабиёти тарихини Ҳ. Ҳ. Ниёзий ижодисиз тўла тасаввур қилиш мумкин эмас. Бинобарин, тарихчи ва файласуфлар, педагог ва тилшунослар, санъатшунос ва адабиётшуносларнинг қатор илмий ишлари Ҳамза ижеди ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама текширишга бағищланганлиги тамомила табиий бир ҳол. Бу тадқиқотчиларнинг баракали меҳнати туфайли ҳамзашунослик фани юзага келди, йилдан-йилга янги илмий тадқиқотлар билан бойиди.

Ҳамзашунослик икки йўл билан борди. Биринчи — Ҳамза ижодий меросини излаб топиш, тиклаш, тўплаш, текстолог сифатида текшириш, нашр этиш ва бошқа тилларга таржима қилиш орқали унинг ижодини оммалаштириш бўлса, иккинчиси — Ҳамза ижодини илмий ўрганиш ва баҳолаш йўлидир. Ҳар иккала йўл ҳам муҳим ва зарур бўлиб, ҳар икки соҳада кўп ишлар қилинган. Улар ҳақида ҳикоя қилишдан аввал маълумот манбалари билан танишиб ўтайлик.

### ҲАМЗАШУНОСЛИК МАНБАЛАРИ

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ижтимоий фаолияти ва бадиий ижодига оид кўпгина материаллар партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлиги туфайли узоқ йиллар давомида излаб топилган ва илмий муассасалар ихтиёрига топширилган. Улар кўз қорачиғидек эҳтиёт қилиб сақланмоқда. Бу манбалардан энг бой ва муҳим аҳамиятга эга бўлгани Ўзбекистон ССР Фанлар ака-

демияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти-нинг Ҳамза фондидир. Бу фонда кўпроқ Ҳамза асарларининг қўллётмалари, хомаки нусхалари, литография нашридан намуналар, шоирнинг шахсий мактублари, бир неча фоторасмлари сақланади. Бу фонддаги материалылар филология фанлари доктори Азиз Қаюмов ва филология фанлари кандидати Қувомиддин Муниров томонидан тавсифланган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги республика адабиёт музеи (ҳозирги Қўллётмалар институти)да ҳам атоқли санъаткор ҳаёти ва ижодига оид муҳим материаллар мавжуд. Бу фонда баъзи шеърларнинг қўллётмалари, эпистоляр материаллар, айниқса шахсий ҳужжатлар кўп учрайди. Мазкур материаллар санъатшунослик фанлари доктори Исоқ Ражабов томонидан тавсифланган.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги санъатшунослик илмий-текшириш институтида ҳам улуғ санъаткор ижоди кўп вақтдан бери ўрганилади. Санъатшунслик институтида Ҳамзага сафдош ва замондош бўлган артист ва режиссрларнинг, музикант ва композиторларнинг эсадаликлари тўпланган. Бу эсадаликларнинг бир қисми турли даврда ва ҳар хил муносабатлар билан матбуотда ва илмий ишларда эълон қилинган.

Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихини ўрганиш институтида Туркистонда ижтимоий кураш тарихига ва Октябрь инқилобида фаол иштирок этган коммунистлар фаолиятига оид ҳужжат ва эсадаликлар кўп. Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва маданий революция қилиш соҳасидаги Ҳамзанинг хизматлари ҳақида кекса коммунистларнинг хотиралари ҳам институт фондидаги сақланади. Бу хотиралардан баъзилари И. Касъков томонидан маҳаллий матбуотда турли даврларда эълон қилинган.

Фаргона область ўлкани ўрганиш музейининг (собиқ) Шоҳимардондаги филиалида Ҳамзанинг ўша ердаги ижтимоий фаолияти кенг ёритилган.

1959 йил 7 марта Қўёнда Ҳамза туғилган ҳовлида (Матбуот кўчаси, 30 уй), шаҳар ўлкани ўрганиш музейининг филиали сифатида шоирнинг уй-музейи очилди. Шу музейда ҳам талантли санъаткорнинг ижодий фаолиятини ёритувчи экспонатлар бор.

1961 йилда ўтказилган Ҳамза юбилейи муносабати билан Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўқон адабиёт музейи очилди. Бу музей ходимларининг ҳаракатлари билан унинг фонди нисбатан оз давр ичидаги бойиди ва ҳозир у ерда шоирнинг автографи, баъзи асарларининг қўллэзма нусхаси ва замондошларидан ёзиг олинган хотиралар сақланмоқда.

Материалларнинг бундай тарқоқлиги уларни оммалаштиришни ва Ҳамзэ ижодини ўрганиш ишини анча қийинлаштиради. Бизнингча, улар бир ўринга тўпланиши, мукаммал тавсифланиши, системасига солиниши лозим. Назаримизда, бу Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўллэзмалар институти бўлгани маъқул.

Ҳамза 1914 йилдан бошлиб маҳаллий газета ва журналларда тез-тез куришиб турди. Шунинг учун ҳам «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» каби газеталар, «Оина», «Ал-ислоҳ», Ҳамза ўзи муҳаррир бўлган «Кенгаш», «Ҳуррият» каби журналларда шоирнинг Октябрь инқилобигача бўлган ижодига мансуб кўпгина шеър, очерк ва мақолалар учрайди. Ҳамзанинг совет даври ижоди ҳақида «Иштирокиён» («Коммунист»), «Қизил байроқ», «Қизил Ўзбекистон», «Зарафшон», «Янги Фарғона» каби газеталар, «Муштум», «Машраб», «Маориф ва ўқитувчи», «Аланга», «Ер юзи», «Худосизлар» каби журналлардан, шунингдек барча область газеталаридан маълумот олиш мумкин.

Сўнгги қирқ йил ичидаги етти марта (1939, 1949, 1954, 1961, 1964, 1969, 1979 йилларда) Ҳамза юбилейи ўтказилди. Ҳар бир юбилей муносабати билан газета ва журналларда Ҳамза ҳақида янги материаллар, шоирни яқиндан билган кишиларнинг хотиралари босилди. Бу хотиралар ҳам шоир ижодини ўрганишда, унинг биографияси ва ижодий меросини тиклашда муҳим манбадир.

Республикамизда Ҳамза асаллари саҳнага қўйилмаган бирор театр йўқ, деса муболага бўлмайди. Тошкент, Қўқон, Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро Хоразм ва Қорақалпогистон АССР театрлари эса 20-йилларда шахсан Ҳамза раҳбарлигига иш бошлаган

бўлиб, уларнинг архивида сақланиб қолган афишаларида ва бошқа ҳужжатларида Ҳамза фаолиятини ёритувчи маълумотлар учраб қолади. Булар ҳам драматург ижодини ёритишга ёрдам беради.

Кўриниб турибдики, Ҳамзанинг ижодий мероси тарқоқ, шу вақтгача бирор ерга марказлаштирилган эмас. Ҳамзанинг ўзи ҳам ижтимоий фаолият билан банд бўлиб, асарларини тўплаб, тартибга солиб улгурмаган. Гарчи шоир 1914 йилгача ёзган шеърларидан девон тузиб бир оз тартибга келтира олган бўлса ҳам, лекин ундан сўнгги даврда ижтимоий фаолияти авж олиб, бадиий асарларини бирор мажмуага йиғишимкониятига эга бўлмаган. Айниқса совет даврида ҳарбий шароитда ёки оператив равишда ижод қилганилиги учун Ҳамзанинг бу давр мероси (энг бой мерос) жуда сочиқ ва кўпи йўқолиб кетган.

Ҳамза драматик асарларининг кўпига ўзи режисёрлик қилгани учун саҳнага қўйиш вақтида ҳам асарга ўзгаришлар киритиб, таҳрир қилиб бораверган. Натижада асарнинг адабий варианти билан режиссрёв варианти орасида фарқ ҳам чиқиб қолади.

Баъзан Ҳамза шароитга қараб асарни қисқартирган ёки узайтирган ҳоллар ҳам бўлган. Ҳамзанинг ижодий хусусиятларидан яна бири — асарга бир неча хил сарлавҳа қўйиш эди. Сарлавҳаларнинг кўплиги ҳам баъзан асарни аниқлаш ва излаб топишни қийинлаштиради. Бинобарин, Ҳамзанинг ижодий меросини тўла белгилаш учун ҳали кўп ишлаш, ҳамма асарларини излаб топиш зарур.

Биз, зикр этилган манбаларни ўрганиш асосида шоир ижодий меросини белгилаб чиқишига ҳаракат қилдик. Бу ерда келтирилган саноқ асло тўла бўлмай, аминмизки, Ҳамзанинг ижодий мероси бизга маълум бўлгандан кўра анча бойдир.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889—1929) қирқ йил яшади, йигирма тўрт йил ижод қилди. Шу ижод муддатининг ўн икки йили (1905—1917) Улуғ Октябрь социалистик революциядан олдинги даврга, ўн икки йили (1917—1929) эса совет даврига тўғри келади. Шу маънода Ҳамза ижоди ҳам, ижодий мероси ҳам мантиқан икки қисмга бўлинади.

## ҲАМЗАНИНГ ОКТАБРЬ ИН҆ҚИЛОВИГАЧА БУЛГАН ИЖОДИЙ МЕРОСИ

Ўзбекистон ССР Фанлај. академиясининг Алишер Навоий номидаги адабиёт музейда сақланувчи шоирнинг шахсий архивидаги материаллардан бирида 1905—1914 йиллар орасида 214 та шеър ёзганлигини Ҳамзанинг ўзи таъкидлайди. Шу маълумотга асосланиб, унинг ижоди 1905 йилда бошланган деб ҳисоблаймиз. Ҳамза бу давр шеърларидан 197 тасини тўплаб девон тузган. «Ниҳон» (Яширин) тахаллуси билан ёзилган шеърлардан иборат бу тўплам «Девони Ниҳоний» деб аталади. У 132 варақ бўлиб, оддий дафтарга қора тушда араб алифбесининг настаълиқ хати билан ёзилган. Қалин картон қофоз билан муқоваланган. Девон ўз вақтида нашр этилмай қўл ёзма ҳолида қолиб кетган. Девон Шарқшунослик институтининг Ҳамза фондида 8989 инвентарь номери остида сақланади. Девон 3803 мисра шеърдан иборат бўлиб, шеърлар — газал (йигирма битта), мурабба (учта), мухаммас (ўн еттита), мусаддас (бешта), маснавий (битта) формаларида асосан (бир юз саксон бештаси) ўзбек тилида, (ўнтаси) тоҷик тилида, (иккитаси) ўзбек-русча, яъни ширу шакар приёми билан ёзилган. Девонда муҳаббат ва фалсафий лирика, шунингдек, марсия, мувашшаҳ ва ҳажвий шеърлар ҳам бор. Бир ўринда Нисор Намангонийнинг газалига мурабба, бир ўринда Ҳазиний газалига мухаммас боғланган. Девон адабиёт тарихи традицияларига риоя қилинган ҳолда ҳамд-сано руҳидаги газал билан бошланади, сўнг ғазаллар, мураббалар, мухаммаслар, мусаддаслар, сўнгра сатирик ва ширу шакар шеърлар берилади. Ҳар шеър қофияси ёки радифининг охирги ҳарфига кўра араб алифбеси тартибида терилган. «Дилшод қилмайсан», «Рухсорингдан ўргилсин», «Ушбу кун» сарлавҳали 1913 йилда ёзилган уч газал девон тузилгандан сўнг ёзилган ёки таҳрир қилинган бўлса керакки, одатдаги алфавит тартибини бузган ҳолда автор уларни девон охирига қўшиб қўйган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Қўл ёзмалар институти Ҳамза фондида сақланувчи шеърларни Ҳамза биз тушунган маънода сарлавҳаламайди, балки

матлаъини тўла келтириб қўя қолади, шунинг учун ҳам бу шеърлар сарлавҳасининг рўйхати деб қаралиши қийин. Девондаги атиги олтитагина шеър автор томонидан қўйидагича сарлавҳаланган:

136. «Мурабба бар ғазали Нисори Наманганий».

166. «Ё ҳаётан наби».

175. «Мухаммас бар ғазали Ҳазиний».

181. «Мусаддаси мотами маъшуқ бар ошиқ».

182. «Муножот ба даргоҳи қози ал ҳожот».


184. «Ҳажв дар ҳаққи машина».

Девон қачон ва қаерда тузилганлиги ҳақида унинг ўзида маълумот ёки калафон учрамайди. Мазмунидан, Ҳамза чет элдан қайтгандан сўнг ёзилгани аниқ билиниб турган шеърлар ҳам девонга киритилган. Ҳамза чет элдан 1914 йил февраль ойида қайтганлигини кўзда тутиб, девон шу йилнинг ўрталарида тузиб тамомланган, деб тахмин қилдик.

1979 йилда Қўқонлик адабиётшунослар — Қўқон адабиёт музеининг директори Иброҳим Бекмуродов, филология фанлари кандидати Аҳмаджон Мадаминов ва Ўзбекистон ССР халқ шоири Чархийлар фаол ҳаракатининг оқибати натижасида излаб топилган Ҳамзанинг илк асарлар тўплами бу масалага анча ойдинлик киритади ва фикрларимизни яна бир бор тасдиқлади.

Бу қўлёзма Ҳамзанинг энг яқин дўстларидан бири, шоир таъбири билан айтганда «Жигаргўшаси» Бўронбой Тожиевда сақланиб қолган. Бўронбой аканинг фарзанди Баҳромжон Бўронов музей илтимосига биноан отасининг қўли билан кўчирилган Ҳамзанинг илк шеърлар тўпламини илм ихтиёрига топшириб кўп савобли иш қилди.

Чархий, И. Бекмуродов ва А. Мадаминовлар бу мажмуани шундай тавсифлайдилар: «Қўқон адабиёт музейи фондида 437 инвентарь рақами билан сақланётган бу қўлёzmанинг ҳажми 17,5Х27 сантиметр бўлиб, текст канцелярия дафтарига ўртача савиядаги настаълиқ хатида қора ва сафсар сиёҳларда ёзилган. Шеърлар девон тартибига риоя қилинмаган тартибда икки стунда жойлаштирилган. Қўлёзма кейинча беш тамғали зангори муқова ичига олинган. Вақт ўтиши билан қўлёзма бир оз уринган, айрим варақалари



йиртилиб йўқолган. Асарнинг мавжуд тексти деярлай яхши сақланган.

Китобнинг бош қисмида (1а вараг) мазкур тўпламнинг номи, когиби ва кучирилган вақти ҳақида қўйидаги маълумот бор:

«Ошиқул — маълумот ит-турк» сана 1333 йилинда 28 рамазони шарифда ёзилди. Ёзгувчи мулло Буронбой Миртошибой ўғли».

Юқоридагилардан маълум бўлишича, котиб ўзининг 1915 йил 13 июлда кўчирган бу китобини «Турк (Ўзбек—изоҳ бизники) ошигининг маълумоти» деб атаган.

Биз Ҳамза ҳақидаги бу нодир қўлёзмани катта қизиқиш ва зўр иштиёқ билан урганишга киришдик. Бизни, айниқса, мазкур қўлёзмадаги шеърлардан қайсилари «Девони Нихоний»га киритилганлиги, қайсилари киритилмаганлиги алоҳида қизиқтирди. Мақсадимизни амалга ошириш учун профессор Лазиз Қаюмовнинг «Инқилобий драма» асарига илова қилинган «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодий мероси библиографияси»га мурожаат қилдик. Унда Ҳамзанинг 1906—1914 йиллар мобайнида ёзган асарлари уч қисмга бўлинган:

1) Ҳамзанинг рўйхатида ҳам, девонида ҳам бор шеърлар;

2) Девонида бор, рўйхатида йўқ шеърлар;

3) Рўйхатида бор, лекин девонида йўқ, яъни ҳали топилмаган шеърлар.

Биз юқоридаги таснифга суюниб, Ҳамза асарларидан тузилган тўплам текстини тадқиқ эта бошладик.

Маълум бўлишича, мазкур қўлёзмадан ўрин олган қирқ еттита ғазал, тўққиста мувашшаҳ, иккита мурабба, саккиста мухаммас, иккита мусаддас, битта шеърий мактуб, учта ҳажвий асар Ҳамзанинг рўйхатига ҳам, «Девони Нихоний»га ҳам киритилган экан.

Шунингдек, шоирнинг рўйхатига кирмаган, аммо девонига киритилган 1 та ғазали ҳам тўпламдан ўрин олган.

Ҳамза тузган рўйхатда мавжуд бўлиб, лекин «Девони Нихоний»га киритилмаган, яъни шу вақтга кадар ғазалларни фикри биринчи мисраларигина маълум бўлган Ҳамза мешҳуди маккия шеърдан унбештаси — ўн учта

ғазал, бешта мухаммас, бешта шеърий мактуб ҳам юқоридаги түпламдан жой слган.

Булардан ташқари, қўллэзмада Ҳамзанинг рўйхатига ҳам, девонига ҳам киритилмаган, илмий жамоатчиликка шу чоққача мутлақо номаълум бўлиб келган битта маснавий, ўн учта ғазал, тўртта мувашшаҳ, битта мурабба, бешта мухаммас, учта шеърий, битта насрый (саъж билан ёзилган) мактуби ҳам бор.

Шундай қилиб, бу тўпламга Ҳамзанинг ўзбек ти-лида ёзган 2788 мисрадан иборат бир юз ўн иккита шеъри жамланганлиги аён бўлди.

Биз Ҳамзанинг девонидан сайлаб олиниб, эълон қилинган шеърлари текстини Бўронбай ака кўчирган нусхага ҳам кирган асарлар тексти билан бирма-бир қиёслаб чиқдик. Натижәда манбалар ўртасидаги айрим тафовутларни аниқладик. Текширишлардан маълум бўлишича, Ҳамза мазкур қўллэзмадан ўрин олган шеърларини ўз девонига жиддий ва қайта-қайта таҳрир қилиб киритган экан. Шоир юзлаб мисраларни ислоҳ қилган, шеърлар таркибидаги айрим байтларни бошқа байтлар билан алмаштирган, батъзи байтларни қисқартирган, орттирган, бир қатор радифларни ўзгартирган ва ҳоказо.

Фикримизга далил сифатида қўйидаги мисолларни кўрсатиш мумкин:

«Эй маҳвashi замоним, эй ёр, хуш келубсиз» деб бошланган ғазал девонда 7 байт бўлиб, тахаллуссиз. Мазкур шеър қўллэзма тўпламда 12 байт бўлиб, мақтаъга эга ва бошқача вариантдадир.

(Мазкур тўплам 14 а б варақ)

«Боғларда гул очилмас» ғазали ҳам қўллэзма тўпламда бошқачароқ шаклда бўлиб, унинг фалсафий мазмундаги қўйидаги байти девонда йўқ:

Эй ёр, билсангиз сиз, ишқни(нг) жафоси мушкил,  
Етмас гули муҳаббат, хорини кўрмагунча.

(Юқоридаги китоб, 16 варақ.)

Тўпламдаги «Софиниб» радифли ғазалнинг:

«Йўқ-йўқ, десанг, гар келмасанг уч кунда бир, жоно, ўзинг, Излаб кетарман, эй Ниҳон, афсона бўлдим соғиниб», мақтаъи (юқоридаги қўллэзма, 42 а варақ) девонга мана бундай кўринишда киритилган:

Минг шукрким, келдинг букун сиҳнат-саломат, шодман, Айлай Ниҳоний жон фидо, қурбона бўлдим соғиниб.

«Ишқ ўтига куймоқлик парвоналиғимдандир» деб бошланувчи газал девонда тахаллуссиз, тўпламда тахаллусли. (*Ўша қўлёзма, 7 б варақ*.)

Шоирниг «Эй ҳусн элин сарфитнаси» деб бошланган газали девонда ҳам, рўйхатда ҳам «айланай» радифида, тўпламда эса, «ўргилай» радифи билан берилган. Бунга ўхшаш мисоллар кўп.

Юқоридаги фактлар Ҳамза ўз асарлари устида кўп ишлаганинги, шеърларининг ғоявий-бадиий савиясини ошириш учун тинмай ҳаракат қилганлигини кўрсатади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўз дўсти асарларига ихлос қўйиб, улардан алоҳида китоб тузган Бўронбой Тожибоев профессионал котиб бўлмаганлиги учун ва бошқа сабабларга кўра, Ҳамзанинг айrim асарлари текстини кўчиришда баъзи сўз ва қўшимчаларни, ҳатто айrim мисраларни тушириб қолдирган, бир қатор сўзларни бузиб кўчирган, қисман сўзлар тартибини ўзгартириб юборган. Лекин булардан қатъий назар, Бўронбой aka Ҳамза асарларининг хазинадори сифатида катта хайрли иш қилган, шоирниг бой мерссидан авлодларни баҳраманд қилишда таҳсинга сазовор ишни амалга оширган.

Бўронбой Тожиевнинг ўзи ҳам таъби назми бор киши бўлган. У Ҳамзанинг энг сирдош ўртоғи, яқин дўсти ва ҳатто илк шогирдларидан бири эди. Бу ҳақда у кишининг фарзанди Баҳромжон Бўриев шундай ёзади:

«Отам Бўронбой Тожибсеев (1891—1954) тунукасоз уста бўлиб, узоқ йиллар давомида Қўқон шаҳар 2-сонли пахта тозалаш заводида ишлаган. У улуғ адимиз Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан собиқ Тароғчилик маҳалласида (ҳозир у ерда Ҳамзанинг уй-музейи жойлашган) ён қўшни сифатида ўсганлиги, тенгқўрликлари сабабли, ёшликтан қадрдан дўст бўлишган. Маълумки, Ҳамза 1914 йил, 4 октябрда шаҳримизнинг «Шайхулислом» гузарида «Дорул айт-том» (Етимлар мактаби) очган. Мазкур мактабда стам ҳам маълум муддат устоз Ҳамзада ўқиган. Отамни доим илм олишга даъват этган. Кейинчалик

Ҳамза отамни ўзи тузган бадиий ҳаваскорлик тўгара-  
гига найчи қилиб қабул этиб, саҳна асарларидағи  
ролларда ҳам қатнаштирган.

Ҳамза чет элларда сафарда бўлганида ҳам, ўлка-  
мизнинг турли областларида ишлаб юрганида ҳам  
отам билан хат орқали мунтазам алоқада бўлар,  
отам эса Ҳамзага имкон борича моддий ёрдам бериб  
турган. Ҳамза 1924 йилнинг баҳорида ўзининг Хў-  
жойлидан ёзган бир мактубида шундай дейди:  
«Жигаргўшамиз Бўронбой ва Ғуломжон ва ҳамшира-  
миз Очахон ва волидамиз ва хеш-ақраболаримиз ҳов-  
ли-ҳарам, бола-чақалар билан соғ ўлгайлар».

Отам шеър ёзиш билан ҳам шуғулланиб, у шеър-  
ларини «Бўроний» тахаллуси билан имзолаган. Шу  
шеърларидан бирида отам Ҳамзага миннатдорчилик  
билдириб шундай деган:

Илм кўчасига кириб кўриб, Ҳамза муаллимни  
Ушал зотнинг этагини маҳкам тутган Бўронийман.  
Ниҳоний шафқати билан икки олам чарогини,  
Туганмас илму давлатни қўлга олган Бўронийман.

1929 йилнинг 18 марта Шоҳимардон қишлоғида  
бир гуруҳ шайх ва бойлар — маърифат душманлари  
Ҳамза Ҳакимзодани ваҳшиёна ҳалок қилдилар. Отам  
бу мудҳиш хабарни эшитгач, дарҳол Шоҳимардонга  
етиб борган, шоирнинг дағи маросимида қатнашган,  
революцион адабимизнинг табаррук жасадини қабр-  
га ўзи қўйган.

Отам ўз устози жонажон дўсти Ҳамзанинг бир  
қатор дасхат мактубларини, қўлёзма, шеърий асар-  
лар ва драмаларини («Майсаранинг иши» ва бошқа-  
лар) эҳтиёт қилиб сақлаб келган ва олимларимиздан  
Ю. Султонов, З. Миртурсунов ўртоқларга мазкур  
материалларни топширган.

Яқинда мен Ҳамзанинг уйимизда сақланган 2  
мактубини, шоир асарларининг отам томонидан кўчи-  
рилган нусхасини, отамнинг Ҳамза ҳақидаги хотира  
дафтарларини Кўқон адабиёт музейига топширдим<sup>1</sup>.

«Девони Ниҳоний»нинг Тошкент нусхасида кўп  
шеърларга тузатишлар киритилган. Бу ҳол уни Ҳам-

<sup>1</sup> «Ўзбекистон маданияти», 1979 йил 25 август.

занинг ўз құли билан ёзилган, деб тахмин қилишга асос бўлади.

Бошқа манбалардан бизга маълум бўлган Ҳамзанинг баъзи шеърлари (масалан, Намангандан ёзган манзума мактуби, Қўқон нусхасидаги йигирма тўртта шеъри маҳаллий газеталарда босилган асарлари кабилар) «Девон»га киритилмаган.

Демак, Ҳамза шеърларини саралаб девон тузган. Тўпламда баъзи шеърларга ўрин қолдириб кетилган. Ҳамза, афтидан, баъзи шеърларини «Девон»га қўшмасдан илгари қайта ишлашга қарор қилгану лекин номаълум сабабларга кўра бу истагини амалга ошира олмаган. Шу қайта ишлаш истаги девондаги баъзи шеърларга киритилган тузатишларда, баъзи шеърларда бир неча байтлар вақтинча тушириб қолдирғанлигига ҳам кўринади.

Ҳамза қўллэзмаларининг тавсифида «Тугалланмаган достон» сарлавҳаси билан кўрсатилган бир асар Ҳамзанинг илк поэтик ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу асар Ҳамза достон жанрида ҳам ижод қилганини тасдиқловчи ягона далилдир. Шарқшунослик институтининг Ҳамза фондида сақланувчи бу достоннинг 8 бетли, 212 мисрадан иборат парчаси оддий катак дафтарга майда хаг билан қизил сиёҳда ёзилган. Кўк сиёҳ билан ёзилган бет биринчи қисмининг бошқа вариантидир. Шоир архивида достоннинг ўрта қисмидан уч боб сақланиб қолган бўлиб, асарнинг номи, тугалланган-тугалланмаганлиги, ёзилган йили ҳақида бизда маълумот йўқ. Шокир Сулаймон ўзининг мақолаларида «Ҳамза тахминан 1905 йилларда «Ҳақиқат нима?» деган бир зўр асар (кatta ҳикоя бўлса керак) ёзади, бироқ бостиrolмай йўқотиб қўяди<sup>1</sup>, деб маълумот беради. Бу мақола 1926 йилда, Ҳамза тириклигига, «Маориф ва ўқитғувчи» журналининг 10 — 11-сонида биринчи марта босилган. Демак, Ҳамза бу мақоладаги фактларни ўқиган ва сукут — аломати ризо қабилида, тасдиқлаган. Қўлимиздаги достон Ш. Сулаймон кўрсатган Ҳамзанинг асари, номи эса адабиёт тарихидаги достонлар традициясида «Ҳақиқатнома» бўлиб, асар ёзиб тугатилга-

<sup>1</sup> Ш. Сулаймон. «Шоирнинг кунлари», «Қизил қалам» мажмуаси. Самарқанд — Тошкент, Ўздавнашр, 1929 йил, 7-бет.

ну, матбуотда нашр этилмаган, бизга етиб келган парча унинг хомаки нусхаларидан бўлса керак, деган тахминимиз ҳам бор. Достоннинг ёзилган йилини эса мазмунига қараб тахминан 1908—10 йиллар деб ўйладик.

1914 йилда «Садойи Фаргона», «Садойи Туркистон» газеталарида, «Оина» ва «Ал-ислоҳ» журналларида Ҳамзанинг ўн иккита ўзбекча, иккита тоҷикча (жами 420 мисра) шеърлари босилганлиги аниқланди. Шулардан бири «Аҳволимиз» сарлавҳали шеър («Садойи Туркистон», 1914 йил, 11 май, № 9) Ҳамзанинг матбуотда босилган биринчи асари ҳисобланиб келинмоқда. Бу асар «Садойи Туркистон» газетасининг редакцияси томонидан 1914 йилда нашр этилган «Сабзазор» сарлавҳали тўпламга ҳам киритилган (5—7-бетлар).

Ҳамза 1915—1917 йиллар орасида ҳар хил гуллар номи билан атаб еттита ашулашар тўплами нашр эттириди (жами 36 шеър, 1724 мисра).

Ҳамза шу йиллар «Қўнгил боғчаси» сарлавҳали шеърлар тўплами ҳам тузган. Бу тўпламлардан бири «Қизил гул»нинг охирида «Ҳамза Ҳакимзода тарафидан табъ ӯлуб, сотилмоқда ӯл(ғ)он рисолалар» рўйхатида 6 номер билан берилган, қолган уч қисми эса «Сариг гул»нинг сўнгги бетида «ҳозирги нашрда ӯлонлари» қаторида 1, 2, 3 номерлар билан кўрсатилган. Бу тўпламларнинг на қўлёзма, на босма нусхаси шу вақтгача топилган эмас.

Ҳамзанинг 1917 йилда ёзилган «Кенгаш» (28 мисра) ва «Туркистон Мухториятина» (46 мисра) шеърлари ҳам «Кенгаш» журналида ва «Улуғ Туркистон» газетасида босилганлиги аниқланди. Булардан ташқари Шарқшунослик институтининг Ҳамза фондида шоирнинг 13 бетлик қўлёзма шеър дафтари сақланади.

Қўлёзмалар институтидаги Ҳамза фондида ҳам 500 мисрадан ортиқ шеър бор.

Ҳамзанинг педагогик мероси ўзи очган мактаблар учун ёзган дарслкларидан иборат. Шу дарслклардан бири «Енгил адабиёт» номи билан нашр этилган. «Миллий ашулашар» тўпламиning охирги бетида «нашрга мавқуф» рисолалар рўйхатининг 4-номерида, «Қизил гул» тўпламиning сўнгги бетида «Сотилмоқда ӯлон рисолалар» рўйхатининг 7-номерида «Ен-

тил адабиёт» кўрсатилади. Лекин бу китобнинг босма нусхаси республикамиздаги Ҳамза фондларининг ҳеч бирида учрамайди. Ҳар учала дарсликнинг автограф қўллёзмаси Шарқшунослик институтидаги Ҳамза фондида 7628 I—II—III инвентарь номери билан сақланади.

Ҳар учала дарслик оддий дафтарга араб алифбесининг настаълиқ хати билан қора тушда ёзилган. «Енгил адабиёт» бошлангич мактаблар учун ашъор (шеър) дарслиги бўлиб, китоб ҳажми 12 бет ва қирқ тўрт дарсдан иборат. «Ўқиши китоби»да (10 бет) ўн дарс, «Қироат китоби»да (22 бет) ўн беш ҳикоя бор. Булардан ташқари Ҳамза «Кимёйи тижорат» деган китоб ҳам ёзган бўлиб, бу «Миллий ашулалар» (1-бўлим)нинг охирги бетида Ҳамзанинг нашрга мавқуф турган рисолалари рўйхатида 6 номер билан кўрсатилади. Мазкур китобнинг бирор нусхаси топилмагани учун унинг мундарижасидан бехабармиз.

Ҳамзанинг революциядан бурун яратган прозаик асарлари маҳаллий газеталарда босилган олтита мақола ва беш романдан иборат. Шу романлардан бири «Янги саодат» тошбосмада нашр этилган ва бизгача етиб келган. «Турмуш аччиғи» сарлавҳали романи нашр этилгани ҳақида «Қизил гул» ва «Сариф гул» тўпламларида берилган эълонларда маълумот бор. «Тўрт ишқ» сарлавҳали учинчи романидан «Учрашув» сарлавҳали қисмининг 18 бетлик парчаси Шарқшунослик институтининг Ҳамза фондида сақланади. Шу асарнинг қачон, қаерда ёзилганлиги туғатилган ёки туғатилмаганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Хотираларда ва Ҳамза берган маълумотларда «Ферўз» романи тилга олинади. «Хақиқат кимда» асари барча маълумотларда роман дейилади. Сўнгги икки асар топилмаган.

Ҳамзанинг революциягача ёзган драматик асарларидан ўн учтаси бизга маълум. «Илм ҳидояти» ва «Мулла Нормуҳаммад домланинг курф ҳатоси» сарлавҳали асарлари тошбосмада нашр этилиб, сотилгани ҳақида ашула тўпламларида берилган эълонларда маълумот бор. «Ферузахоним» асари ҳақида «Янги Фарғона» газетасида (1929 йил, 5 май) босилган редакцион мақолада ва бир хотираада маълумот берилади. «Ўч», «Бизда сиёсий инқилоб ёхуд мусоифир

шашид Ғулом (Анном) афанди», «Рауза ва Шайдо», «Тошкентга саёҳат». асарларидан айрим парча ва қисмлар Шарқшунослик институтининг Ҳамза фондида учрайди. «Лошмон фожеаси» трилогияси нинг бир қисми Ўзбекистон Фанлар академияси Қўллётзмалар институтининг Ҳамза фондида сақлана-ди. «Заҳарли ҳаёт» трагедияси эса ўз даврида мат-баада ҳам нашр этилган, тўла қўллётзмаси ҳам бизгача етиб келган. (Шарқшунослик институтининг Ҳамза фонди, инв. № 7628 (XIX) «Очлик қурбонлари» аса-рининг номи бор, ўзи йўқ.

Бир ўринда Ҳамза «Қора лўк-лўк» деган комедия, «Рабочий» деган драма ёзганлигини айтади. Асар тексти топилмаган. «Бой ила хизматчи» асарининг качон дунёга келгани ҳақида ҳар хил фикр бор. Биз уни инқилобдан аввал ёзилган деб ҳисоблаймиз.

Қўринадики, Ҳамзанинг Октябрь инқилобигача бўлган ижодий меросидан биз аниқлашга муваффақ бўлган қисмининг ўзиёқ етти минг мисрадан ортиқ шеър, беш роман, тўрт педагогик дарслик, ўн уч драматик асар ва Ҳамза муҳаррир бўлган икки журнал-нинг беш номеридан иборатдир. Шулардан бир қўлланма китоб, уч роман, бир романнинг кўпгина қисми ва саккиз драматик асар тексти шу вақтгача топилган әмас.

Шу меросдан икки минг икки юз мисрага яқин шеър газета-журналлар саҳифасида ва «Гуллар» тўпламиларида ўз даврида, оз тираж билан бўлса ҳам нашр этилган. «Кўнгил боғчаси» шеърлар тўплами ҳам босилиб чиққан бўлса-да, лекин нусхаси топилмагани учун унинг ҳажмини аниқлай олмадик ва бинобарин, юқоридаги ҳисобга киритмадик. Ҳамзанинг прозаик меросидан олтида мақола ўша давр газеталарида босилган. «Янги саодат» романи 1915 йилда Қўқонда литографияда нашр этилган. Ҳамзанинг педагогик меросидан «Енгил адабиёт», «Кимёйи тижорат» ва драматик меросидан «Илм ҳидояти», «Нормуҳаммад домланинг куфр хатоси», «Заҳарли ҳаёт» асарлари ўз вақтида тошбосмада нашр қилинган.

Демак, Ҳамзанинг инқилобгача бўлган давр меросидан ўша вақт босилиб чиққан қисми поэтик асарларининг тахминан ўттиз уч процентини, про-

зак асарларининг тахминан эллик процентини, педагогик асарларининг эллик процентини, драматик асарларининг қирқ процентини ташкил қиласди. Ҳамзанинг ижодий мероси ўқувчиларга анча камбағаллашириб тақдим қилингани ва тиражи оз бўлганига қарамай, шоир инқилобдан аввалоқ катта шуҳрат қозониши унинг асарларидаги мазмун ва гояларининг кучи билан, Ҳамзанинг бадиий қуввати билан изоҳламади.

Ҳамзанинг бу даврда яратилган ижодий мероси ҳалигача етарли даражада оммалаштирилган эмас. Шоирнинг 1939 йилда нашр қилинган биринчи «Танланган асарлар»ида инқилобгача бўлган ижодидан атиги 5 шеър, шу китобнинг 1949 йил нашрида 18 шеър, 1954 йил нашрида 19 шеър, 1958 йил нашрида 24 шеър, (720 мисра) ва «Захарли ҳаёт» драмаси киритилган. Кўринадики, совет даврида нашр этилган Ҳамза асарлари ҳам унинг инқилобгача бўлган ижодининг диққатга сазовор қисмини тўла ёритмади. Бу ҳол адабий жамоатчиликни жиддий ташвишга сола бошлади. Натижада, матбуот саҳифаларида «шу вақтгача нашр этилган Ҳамзанинг «Танланган асарлар»и асосан бир-бирини такрорлайди... Совет жамоатчилиги Ҳамза ижодий мероси ҳақида тўла тасаввурга эга бўлмай келмоқда... бир неча томли қилиб Ҳамзанинг тўла асарлар тўпламини нашр қилиш пайти келган»<sup>1</sup>, — деган мазмунда фикрлар айтила бошлади. Партия матбуотининг бу хил сигналларидан сўнг Ҳамзанинг икки томлик асарлар тўплами нашрга тайёрланиб, 1960 йилда босилиб чиқди. Лекин бу нашрга ҳам шоирнинг инқилобгача бўлган ижодидан ҳаммаси бўлиб икки минг мисрага яқин шеър, бир публицистик мақола (қисқартирилган ҳолда) ва бир тўла, икки тўла бўлмаган саҳна асаригина киритилган, холос. Булар Ҳамзанинг шу кунда аниқланган ижодий меросининг учдан бирини ҳам ташкил қилмайди. Шунинг учун ҳозир шоирнинг муфассал ва мукаммал асарлар тўплами нашр қи-

<sup>1</sup> Ф. Каримов, Л. Қаюмов, Ҳ. Ёкубов, О. Шарафиддинов. «Адабий меросимизни чуқур ўрганайлик», «Қизил Ўзбекистон» 1957 й. 21 ноябрь.

лина бошлаганлигини ҳар томонлама табриклаш керак.

Ҳамзашунос текстологларнинг шу вақтгача қилган хизмати жуда катта. Улар сочиқ манбалардан асарларни териб олғанлар, ҳар хил ёзилған сұзларни илмий асосда бир тартибга келтирғанлар, деярли тамомила пунктацыйон белгилари бўлмаган текстларни керакли ишоралар билан таъминлаганлар. Совет даврида нашр этилган Ҳамза китобларининг қофози формати, ҳажми, иллюстрацияси, тиражи ва бошқа полиграфик белгилари инқилобдан олдинги давр нашрларидан сифат жиҳатидан ер билан осмонча фарқ қиласди. Етарлича моддий маблағи бўлмаган Ҳамза инқилобдан аввал ўз асарларини хусусий босмахоналарда, ёмон қофозда, кичик ҳажмда, оз тираждагина бостира олган эди. Савдо обороти билан боғлиқ бўлгани учун шеър тўпламларининг орқа муқоваларида китобларини қайта-қайта реклама қилишга мажбур эди. У даврда Туркистонда полиграфия саноати яхши ривожланмаган ва малакали мутахассислар бўлмаганлиги туфайли бу китобларнинг сифати анча паст, безаги деярли йўқ эди. Ҳатто асарларни кўчирувчи тузукроқ котиб ҳам бўлмаганлиги учун кўпгина тўпламларини тошбосмада Ҳамза шахсан ўзи кўпайтирганди, чунки баъзан бу ишни бошқаларга ишониб топширганда, текстда хатоликлар кетиб қолганки, натижада эстетик диди ва талаби зўр бўлган шоиргоҳо қўйидаги мазмунда ахтор (изоҳ) ёзишга ҳам мажбур бўлган: «... котиб афандимизнинг қаламлари янги бўлганча учинчи, тўртинчи бўлимдаги баъзи нуқсони қалам бўлган ерларни ислоҳ этиб ўтувни қоръини киромларимиздан ўтунурмиз»<sup>1</sup>.

Шунинг учун ҳам шоирнинг совет даври нашрларини асло-асло инқилобгача бўлган нашрлари билан тенглаштириш мумкин эмас. Бу соҳадаги ҳамзашунос текстологларнинг хизматларини зўр ҳурмат билан қайд қилган ҳолда шуни ҳам эътироф этиш керакки, ҳали ҳамзашунослик текстологиясининг савияси талабларимизни тўла қониқтира олмайди, бу соҳада қатор камчиликлар мавжуд. Чунончи, кўп-

<sup>1</sup> Ҳамза. «Сариг гул», Қўқон, Литография нашри, 1916 йил, 1-бет.

гина шеърларда айрим сўзлар, мисралар, бандлар тушириб қолдирилган. Масалан, демократ шоир Ҳамзанинг инқилобгача бўлган ижоди учун жуда характерли бўлган «Салом айтинг» радифли шеър аслида 130 мисра бўлгани ҳолда «Танланган асарлар»нинг 1939 йил нашрида 70, 1949, 1954, 1958 йил нашрларида 30, 1960 йил асарлар нашрида 50 мисра қилиб қисқартириб берилган. Бунга ўхшаш ҳоллар кўп учрайди. Шунинг учун ҳамзашунослик текстологиясининг савиясини янада кўтариш иши навбатдаги муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда.

### ҲАМЗАНИНГ СОВЕТ ДАВРИ ИЖОДИЙ МЕРОСИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг биринчи кунларидаёқ Ҳамза меҳнаткаш оммани социалистик революция ютуқларини мустаҳкамлашга, ташқи ва ички душманларга қарши курашга чақиривчи бир қанча революцион шеър ва қўшиқлар яратди. Бу шеърлардан бир нечтаси 1919 йилда «Атиргул» номи билан Фарғонада тўплам бўлиб босилиб чиқди. Ҳамзанинг революцион поэзияси материаллари «Атиргул»дан ташқари Шарқшунослик институтининг Ҳамза фондида сакланувчи тўқизбетлик қўлёзма шеър дафтари бўлиб, ундан олинган олти шеър «Танланган асарлар»га киритилган ва кўп марта қайта босилган. Шу фонддаги шеърлардан бири «Рубоийлар» сарлавҳаси билан биринчи марта 1958 йилда «Танланган асарлар»да нашр этилди. 1922 йилда ёзилган ва «Танланган асарлар»га кўп марта киритилган «Яхши» («Уфори бузург») сарлавҳали шеър Девонийнинг «Яхшидир» радифли шеърига назира қилиб ёзилган. Ҳамзанинг Мадраҳим Ёкубов (Шерозий)га атаб ёзган шеъри бу санъаткорнинг шахсий архивидан топилди ва биринчи марта «Совет Ўзбекистони маданияти» газетасида 1956 йилда эълон қилинди.

Ҳамзанинг 1922 йилда ёзилган «Ленин» шеъри фақат ўзбек адабиётидагина эмас, балки умумсовет адабиётида бу темадаги илк шеърлардан биридир. Бу шеър тошовузлик санъаткор Ҳофизнинг хотирасида сакланиб қолган экан, «Ўзбекистон маданияти» газетасида 1957 йилда биринчи марта эълон қилинди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўл-ёзмалар институтидаги Ҳамза фондида ҳам шоирнинг совет даврида ёзган бир неча шеъри учрайди.

1926—27 йилларда Ҳамза Қўқонда чиқадиган «Янги Фаргона» газетасининг «Чифириқ» сарлавҳали ҳажвий бўлимида ва «Муштум», «Машраб» журналларида ўзининг сатирик асарлари билан қатнашиб турди. Ҳамзанинг шу давр ижодий маҳсулидан 14 шеър бизга маълум. «Муштум» журналининг 1926 йил сонларидан бирида эълон қилинган «Кўча боғи ашуласи» сарлавҳали эшонларни танқид қилувчи ҳажвий шеър Тошкент Давлат университетининг доценти Муҳсин Олимов томонидан топилган. «Қутлуг бўлсин» сарлавҳали Октябрь революциясининг ўн йиллигига бағишлиланган шеър драматург Собир Абдулланинг архивида сақланиб қолган. У биринчи марта матбуотда 1954 йилда эълон қилинди.

Ҳамзанинг инқилобдан сўнгги давр поэтик мероси ҳар хил тема ва жанрда ёзилган 35 (минг мисрага яқин) шеърдан иборат.

Ҳамзанинг бу давр насрый мероси ҳам унча текширилмаган бўлиб, улардан бизга маълуми «Йигитлар товуши» (1920) сарлавҳали публицистик мақоласи ва филология фанлари кандидати Марҳамат Аминова излаб топган «Маҳаллий сармояни кучайтириш чоралари» сарлавҳали фельетон (1925) ва адабнинг шахсий архивида хомаки нусхаси сақланиб қолган иккита мақоладангина иборат.

Ҳамзанинг революциядан сўнгти давр драматургияси унинг ижодида салмоқли ўрин эгаллайди. Ҳамзанинг драматик асарларидан «Туҳматчилар жазоси», «Ким тўғри?», «Бурунги сайловлар», Майсарапанинг иши», «Паранжи сирларидан бир лавҳа», «Сайлов олдида» каби бизгача тўла етиб келган асарлари «Танланган асарлар»да кўп марта нашр этилган ва бир неча марта сахналаштирилган. «Қузғунлар» шеърий комедияси биринчи марта 1960 йилда асарлар тўпламининг II томида нашр этилди. «Қозининг сирлари», «Жаҳон сармоясининг охирги кунлари» каби асарлари бизгача тўла етиб келгану, лекин кейингиси шу вақтгача матбуотда эълон қилинмаган. Уларнинг қўлёзмалари Шарқшунослик институтининг Ҳамза фондида сақланади. Филология фанлари

кандидати Мұхсин Олимов «Фолибият» драмасининг режиссёр тексти ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Нурхон Эшмуҳамедов қўлида сақланиб қолганлигини аниқлади. «Ер ислоҳоти», «Эшон ўпкасига жавоб», «Қорасоч» каби асарларининг айрим парчалари Шарқшунослик институтининг Ҳамза фондида сақланниб қолган бўлиб, улар «Танланган асарлар»да бо- силган. Партия мажлиси темасидаги комедиядан икки пардали парча ҳам Шарқшунослик институтининг Ҳамза фондида сақланади, лекин бу асар матбуотда эълон қилинмаган. «Фаргона фожеаси», «Ёмон одат ёки ёш жувоннинг касофати», «Махбус тўранинг ҳоли», «Қаҳрамон ўғиз», «Жамила», «Севдимали», «Хоразм инқилоби», «Кўкнори», «Ишчи», «Бой ва ишчи», «Шарқ кечалари», «Телефон», «Хон зулми», «Эшонликда хиёнат», «Март қурбони Ойниса». каби бир қанча асарларининг тексти топилмаган, лекин улар ҳақида айрим маълумотлар совет матбуотида учрайди. Ҳамзанинг «Нафиса», «Қармоқ», «Капитал», «Меҳнат ва олтин», «Ҳоким Мединский», «Қўш етим» каби асарлари ва Навоий ҳақидаги драмаси ҳақида замондошлари маълумот берадилар. Ҳамзанинг «Ишчилар ҳаётидан», «Кайф учди», «Женотдел», «Кооператив зулуклари» каби асарлари бўлганлиги ҳақидаги маълумот шоирнинг шахсий архивидаги ҳужжатлардан, «Телефон» комедияси ҳақида маълумот эса ҳамзашунос Мамажон Раҳмоновнинг 1959 йилда нашр этилган монографиясидан маълумдир.

Шундан маълумки, Ҳамзанинг совет даври ижодий мероси тўла бўлмаган ҳисобларга кўра, 35 шеър (минг мисрача), уч мақола, бир фельетон ва 47 драматик асардан иборатdir. Бу ҳол совет даврида Ҳамза кўпроқ драматик асарлар ёзганини кўрсатади.

Ҳамзанинг бу давр меросидан 700 мисрага яқин шеър, бир мақола, бир фельетон, ўнта саҳна асари матбуотда эълон қилинган. Шулардан бир қисми «Атиргул» (1919) ва «Бурунги сайловлар» (1926) деган номлари билан Фаргона ва Самарқандда китоб килиб чиқарилган.

Гарчи Ҳамзанинг бу давр ижодий мероси инқиlobгача бўлган ижодига нисбатан бирмунча яхши оммалаштирилган бўлса ҳам, лекин буни янада ку-

чайтириш имкониятлари ҳали ҳам бор. Бу имкониятлар кўпроқ архивдаги Ҳамза шеър ва драмаларининг ўрганилишига боғлик.

Шундай қилиб, Ҳамзанинг бугунгача биз аниқлашга муваффақ бўлган ижодий мероси ҳаммаси бўлиб саккиз минг мисрадан ортиқ шеър, ўнта кичик прозаик асар, беш роман, тўрт педагогик дарслик ва олтмиш драматик асарни ташкил қилади.

Совет даврида Ҳамза асарлари бир неча марта минглаб нусхада, чиройли безакда, илмий аппарат сўз боши ва изоҳлар билан нашр этилди. Уларнинг ичида энг мазмунлилиари 1960, 1969, 1979 йилларда давлат адабиёт ва санъат нашриёти томонидан босиб чиқарилган икки томлик асарлар тўпламидири.

Айни вақтда Ҳамзанинг энг яхши асарлари рус тилига таржима қилиниб кўп марта нашр этилди. Шуларнинг энг мукаммаллари сифатида Тошкентда босилган икки томлик, Москвада босилган бир томлик (сўз боши автори Шароф Рашидов, 1979 йил), Ленинградда босилган бир томлик (сўз боши автори проф. С. Иванов) кабиларни кўрсатиш мумкин. Ҳамзанинг қардош халқлар тилларига қилинган таржима тўпламларидан қорақалпоқ тилидаги «Танланган асарлар»ини (Нукус, 1956 й., 87-бет), тоҷик тилидаги шеърлар тўпламини (Душанбе, «Ирфон», 1968 й., 88-бет) кабиларни эслатиб ўтамиз. Булардан ташқари яна Ҳамзанинг қатор шеърлари газета, журнал саҳифаларида, антологияларда арман, белорус, украин, озарбайжон, қрим-татар, маҳаллий яхудий, грузин, туркман, қирғиз, қозоқ, латиш, татар ва бошқа қардош совет халқлари тилларида босилган<sup>1</sup>.

Ҳамзанинг рус таржимонлари орасида С. Маршак, В. Луговской, Н. Асеев, В. Инбер, М. Зенкевич, С. Иванов каби бу соҳанинг катта усталари шунингдек, украин М. Терещенко, белорус А. Власович, тоҷиклар М. Аминзода, Г. Сулаймонова, туркманлар Ш. Боржоқов ва К. Қурбонсахатов, қирғиз Т. Уметалиев, қозоқлар А. Тоҷибоев, С. Сейитов ва Ж. Умербеков, қорақалпоқлар Б. Исмоилов, М. Қосимова, Х. Сейитов ва бошқалар бор.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Е. Д. Свидина. Ҳамза қардош тилларда, «Ўзбек тили ва адабиёти», 1969 йил, № 6, 84—86-бетлар.

1979 йилда Ҳамзанинг «Яша Шуро!» шеъри барча республикаларнинг энг етакчи шоирлари таржимасида 15 тилда бир китобча қилиб чиқарилди.

Шунингдек, Ҳамзанинг поэтик асарларидан на муналар поляк, чех, ҳинд, араб, хитой, уйғур, немис, монгол, француз, испан, корейс, болгар ва бошқа тилларда ҳам босилган. Шулардан мисол сифатида В. Евлсева таржимасида Москвада босилган «Ўзбек шоирлари» китобини 54—77-бетларидан жой олган ўн икки шеърини эслатиш мумкин. Москвада чиқадиган «Советская литература» журнали инглиз, француз, немис ва бошқа чет тилларидагина чоп этилади. Бу журнал бир сонини ўзбек адабиётига бағишилаган ва у сон Ҳамза шеърлари билан бошланиб, охирида Б. Брайнинанинг Ҳамза ҳақидаги мақоласи ҳам бор эди. Бундай нашрлар ва антологияларда Ҳамза кўп марта чет тилларда босилган.

Ҳамзанинг энг шуҳратдор драмаси «Бой ила хизматчи» 1956 йилда Олмаотада уйғур тилида нашр этилди. Маълумки, у турли йилларда корейс, монгол, болгар тилларига таржима қилинган ва театрларда саҳналаштирилган. СССР ҳалқ артисти Олим Хўжаев Хасково театрида «Бой ила хизматчи»ни муваффақият билан болгар тилида саҳналаштирган<sup>1</sup>. Корейс адиби Ким Ду-Чир «Бой ила хизматчи» ва «Майсаранинг иши»ни корейс тилига таржима қилган ва бу асарлар Олмаотадаги корейс давлат театри томонидан ижро қилинган<sup>2</sup>.

«Майсаранинг иши» шоир Собир Абдулла ва композитор Сулаймон Юдаковларнинг ижодий ҳамкорлигига комик операга айлантирилган эди. Бу опера Лодзь шаҳри музика театрида поляк тилида, Лион шаҳрида «Комишен» саҳнасида француз тилида ижро этилди ва катта муваффақият қозонди.<sup>3</sup>

Ҳамзанинг шеърлар китоби шу кунларда араб ва урду тилида нашр қилинмоқда.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: «Жамила Болгарияда», «Ўзбекисточ маданияти», 1972 № 7 март. «Ҳамза Болгарияда», Совет Ўзбекистон

<sup>2</sup> «Писатели советского Узбекистана», Издательство литераторов, 1972 йил 5 апрель.

туры и искусства им. Г. Гуляма, Ташкент, 1977г. стр. 90.

<sup>3</sup> «Худуд билмне ижод», «Ўзбекистон маданияти», 1979 йил 16 январь, №5 (2374).

| Буларнинг барчаси Ҳамзанинг мазмундор ижоди кун сайин қадр топаётганидан, оламаро шуҳратдорлигидан далолат беради.

## ҲАМЗАШУНОСЛИК ТАРИХИ

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий актив ижтимоий ва адабий фаолияти билан Октябрь инқилобидан аввалик жамоатчиликнинг диққатини ўзига тортди. Ҳамзанинг Октябрь инқилобигача бўлган ижодий фаолияти шеърият муҳлислирининг таҳсинига ва айни вақтда, ҳукмрон синф вакиллари ва дин аҳлининг қаттиқ ғазабига учраган бўлса ҳам, лекин у даврда Ҳамза ҳақида ёзилган бирор мақола ёки илмий иш бизга маълум эмас. Шу маънода ҳамзашунослик совет даврида, совет адабиётшунослиги таркибида туғилган, деб ҳисоблаш керак.

Ҳамза Октябрь инқилоби арафасидаёқ Коммунистик партиянинг одил сиёсатини тўғри тушунди ва социалистик революцияни зур хурсандчилик билан кутиб олди, ёш совет ҳокимйитини мустаҳкамлаш даврида сиёсий тарбия соҳасида чарчамай хизмат қилди. 1918 йилда у биринчи ўзбек совет драмтруппасини тузди ва труппани реператуар билан таъминлаш мақсадида бир қанча инқилобий қўшиқ ва драматик асарлар яратди.

Ҳамзанинг шу йиллари ёзилиб ижро этилган «Фаргона фожеаси» тетралогияси одамларнинг оғзиға тушди. Танқидчиликда баҳс уйғотди. Асарнинг биринчи қисми «Мазлум қурбонлар» Фарғонада 1919 йил 12, 14 августларида томошабинларга кўрсатилган. Бойбута Дўстқораев аниқлашича, «Янги Шарқ» газетасининг 1919 йил 24 августдаги 10 сонида бу асарга «Мухбир» имзоси билан тақриз эълон қилинган. Худди шу газетанинг 1919 йил 28 август ва 2 сентябрь сонларида ҳам «Бизда адабиёт ва саҳна» сарлавҳали адабий-танқидий мақола босилган бўлиб, унда ҳам «Мазлум қурбонлар» ҳақида фикрлар бор.

«Мухбир»нинг «Маҳаллий хабарлар» рубрикаси остида босилган «Фаргона фожеаси» ва «Ишчилар ҳаёти» сарлавҳали тақризи ҳисобот тарзида ёзилган:

«Августнинг 12 сида шанба куни «Шуролар собрашеси» биносида собиқ маданий-маориф артистлари тарафидан Ҳамза Ҳакимзода мудирияти остида ерли Туркистан шевасинда театр ва адабиёт кечаси ясалди... Кечада саҳнани сийнатлаган нарсаларнинг биринчиси Ҳамза Ҳакимзоданинг «Фарғона фожеаси»дан биринчи бўлим ёки «Мазлум қурбонлар» исминида уч пардалик бир фожеа эди, исминдан англашилдигина узра уч тўрт ой илгари Фарғона мусулмоиларини бошидан ўтган ва ҳозирда-да баъзи бир ерларда ўтмоқда бўлган фожеа, тўғриси, «ўғрилар фожеаси» эди».

«Мухбир» ёзишича: «Томоша бошланмасдан илгари музофот курсларининг иккинчи группаси шогирдлари тарафидан муаллим Борҳош Таът идорасида музика бирлан машқлари бўлиб, яхши чиқди. Кеча муносабати ила ёшларни ва ҳаваскорларни табрик қилуб Тошкентдан келган вакил Фарид афанди Тоҳирий ва Москвадан келган рус ўргонимиз нутқлар сўзладилар...

Адабиёт бўлимидаги ашуаларнинг ҳаммаси яхши... «Хой, ишчилар»— жуда яхши. Кетмон, ўроқ ва болға кўтарганларнинг қиёфаси ва айтган сўзлари шуролар ҳукуматининг душманларина яхши калтакдир. Хусусан, уларнинг охирдан намойиш билан кириб кетушлари жуда яхши бўлди. Ёш боланинг декломацияси яхши эди»...

«Сиёсий труппа мундин Қизил қиёга, ундан Хўжанд орқали Тошкандга кетадир. Ундан нари фронтларда ва Туркистоннинг ҳамма шаҳарларида бўлажак».

«Мухбир»нинг ёзишича, Ҳамза Ҳакимзода «Мазлум қурбонлар» трагедиясида таълим ва тарбия масалаларини ҳам ўртага ташлайди ва ўз қарашлари, эстетик принципларидан келиб чиқиб бу масалаларга жавоб беради. Чунончи, унинг асаридаги бош қаҳрамон Талъат ёш совет ҳокимиютининг фаол ҳимоячиси, коммунист.

Мазкур газетадаги бошқа бир мақолада ҳам ушбу асар ахлоқ нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Талъатнинг Нафисага «Хоним афанди», Нафисанинг Талъатга «Талъат афанди» деб мурожаат қилишлари мунаққидга ёқмайди. Умуман ғараз аралашган бу таҳлилда танқидчи Ҳамзанинг ижодини камситишга уринади ва «ҳеч бир муддаосиз, тўғридан ҳаёти маҳаллийни тас-

вир этган ерлари чиройлик эди» деб хаспушлашига қарамай субъектив фикрлашнинг мисоли булиб қолади бу газета мақоласи.

Шу фикрни уша даврнинг доно кишилари ҳам тушунган экан. 1919 йил 3 октябрда Тошкентда чиқадиган «Иштирокион» («Коммунист») газетаси бу масалага қайтиб, «Идорага мактуб» рубрикаси остида «Мудофаа» деган раддия босади:

«Құқонда чиқатургон «Янги Шарқ» газетасининг 11 номеринда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий афандининг шахсиятига тегиб бир хабар ёзилибдур. Бул Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий афанди 1912 йилдан бүён миллата хизмат қилиб, мактаб ва миллатимиз ахволига доир миллий байтлар айтуб юргон бир миллат одами эди. Хусусан Фарғонадаги золим арманиларнинг мусулмонларга қилгон зулмларини театруга олиб Тошкентда қуюб бутун Тошкент ёшларини қабуқлаган одам эди. «Намокоб» имзосидағи зот кабилар құлидан иш келмайды, ҳам құлидан иш келадирғон мухбирлар шахсиятларина тегадирлар. Шул шүромиза хабарни «Янги шарқ» газетасинда босув ясовига таассуф қиласман.

Қилич үхаша».

Туркистан Коммунистик партиясининг марказий органды бұлған «Иштирокион» газетаси 1919 йил сентябрь — октябрь ва 1920 йил январь ойларидаги бир неча сонларидан Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Фарғона фожеаси» «Тұхматчилар жазоси», «Қармоқ», «Заңарлы ҳаёт» каби асарларининг мазмунини баён қиласади ва сақнадаги ижроси ҳақида эълонлар беріб боради.

Худди шу газета 1920 йил февраль-апрель сонларидан Ҳамзанинг «Тұхматчилар жазоси», «Бой ила хизматчи», «Заңарлы ҳаёт», «Ёмон одат ёхуд ёш жувоннинг касофати», «Лошмон фожеаси», «Фарғона фожеаси» асарларига тақризлар босди.

Лекин кейин ҳам баъзи мақолаларда Ҳамза ижодиди баҳолашдаadolatsizlik сезилиб турди.

Масалан, 1919 йилда Тошкентдаги «Колизей» театри биносида Ҳамза раҳбарлик қилған «Сиёсий труппа», «Фарғона фожеаси» тетралогиясичининг тұртинги бұлыми «Мақоми шаҳидон»ни томошибинларга күрсатди. Бу спектакль ҳақида «Иштирокион» газетасининг 1919 йил 4 октябрь сонида «Адабиёт қули», деб

имзо чеккан танқидчининг «Ўзбекча театру» сарлавҳали мақоласи босилган. Мақола автори: «Бу асар сахна асари эмас ва танқид қилгундай нарса эмас»,— деб асарнинг қимматини туширишга уринади. Бу каби танқидчиларга, Ҳамза ижодининг новаторлик рухи ёқмаган ва улар ўз аламларини оғзаки, баъзан эса юқоридагидек матбуотда ҳам айтиб қолганлар.

Лекин юқорида айтилганидек, фикри бузуқ танқидчиларнинг расмий ҳужумлари эпизодик ҳодиса бўлиб, умуман олганда Туркистон Коммунистик партиясининг марказий органи бўлган «Иштирокион» газетаси Ҳамзанинг ижодий фаолиятига юксак баҳо берган ва уни қўллаб-қувватлаган.

Чунончи, газетанинг 1920 йил 3 январь сонида «Туҳматчилар жазоси» номли икки пардали комедияда Ҳамза қаламини устагина юритгани... билиниб турди... Бу асар янги турмушимизга оид бўлгани учун драматургни табрик этмасдан ўта олмаймиз», деган ҳақиқий табрикни ўқиймиз.

Газетанинг 1920 йил 10 февраль сонида Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмаси Маннон Уйғур раҳбарлигига Карл Маркс номли театр труппаси томонидан қайта саҳналаштирилганлиги маъқулланади, спектаклининг ютуқ ва камчиликлари объектив равишда танқид қилинади.

«Иштирокион» газетасининг 1920 йил 24 март сонида «...Бизнинг машҳур ёш драматургимиз Ҳамза афанди Ҳакимзода ўртоқ, заҳарланган эски турмушнинг қора саҳифаларидан олиб ёзган «Ёмон одат ёхуд ёш жувоннинг касофати» фожеасининг «Турк кучи» труппасининг бир йиллик байрами муносабати или 29 февралда «Шарқ» саҳнасида...» қўйилганлиги ва «Ҳамза афанди бу асарда кўринатурғон қаҳрамонларга ғоят диққат или сўз ва характерларни яхши кўрсатган»-лиги таъкидланади.

Шу газетанинг 1920 йил 20 апрель сонидаги «Лошмон фожеасидан иккинчи бўлим», «Ким тўғри?» сарлавҳали мақолаларда шундай дейилган: «Лошмон фожеаси» 1916 йил... июнь охирида бутун Туркистон ўлкасининг қаттиқ даҳшат остида қолдирган шу Лошмон масаласи муносабати или кўп бегуноҳ кишиларнинг қонлари Николайнинг золим полиция ва жандармлари тарафидан тўкилганлиги ҳақида ҳикоя қи-

лувчи машҳур тарихий воқеадир. Ҳамза ўртоқ адабий жасоратга риоя қилгани ҳолда ўзининг вазифасини адо этиб, шу «Лошмон фожеаси» деган икки бўлимни ёзиб кўрсатди. Биз Ҳамза ўртоқнинг бу хизматига раҳматгина ўқиймиз».

Газетанинг 1920 йил 3 апрель сонида босилган бир мақолада Ҳамза раҳбарлигидаги сайёр драмтрупа ҳақида анчагина маълумот бор, унинг фаолиятига эса ижобий баҳо берилади.

Юқоридагилардан кўринаидики, большевистик матбуот коммунистик принципиаллик билан Ҳамза ижодини ноҳақ ҳужумлардан ҳимоя қилиб турган. Ҳамза асарлари «илгаригидек ерга урилмай, мақтала бошлагани», яъни «Иштирокион» газетасида Ҳамза ижодига объектив баҳо берила бошлаганини машҳур ёзувчи Абдулла Қодирий (Жулқунбой) ҳам шу газетанинг 1920 йил 3 май сонида босилган «Нега, ким?» сарлавҳали диалог — мақоласида таъкидлаб ўтади.

Ҳамза ўзбек драматургиясида инқилоб қилган новатор санъаткор бўлиб, унинг революцион пафосга тўла асарлари ва актив ижтимоий фаолияти бальзи «мунаққид» ларга ёқмай, улар турли йўллар билан Ҳамзанинг таланти ва ижодини камситишга ҳаракат қиласергандар. «Қизил байроқ» газетасининг 1921 йил 16 октябрь сонида босилган бир мақола ана шу хил ҳаракатларнинг намунасидир. Мақола автори Ҳамзанинг «Қаҳрамон Үғиз ёки Ота үғли» трагедиясини анализ қиласкан, драмани қаттиқ танқид қиласиди ва «Бой ила хизматчи» каби классик асарлар яратадиган драматургни, талантсиз киши, деб субъектив ҳукм чиқаради.

Айни замонда 20 йиллар илмий матбуотида Ҳамза фаолияти ва ижоди ҳақида объектив мулоҳазалар тобора кўпроқ кўрина бошлайди. Бу иш ташаббускорларидан бири САГУ муаллими, рус олими Б. А. Пестовский эди. У 1922 йилда ўша давр ўзбек драматургияси ҳақида каттагина бир обзор мақола ёзиб, «Наука и просвещение», «Инқилоб» журналларида рус ва ўзбек тилларида бостириб чиқарди. Б. А. Пестовский ўзбек драматурглари ҳақида гапираркан, Ҳамза ҳаёти ва ижодига ҳам тўхталади, унинг қисқача биографияси ва йирик асарлари билан ўқувчиларни таништиради. Ўша давр театр жамоатчилигининг Ҳамзага нотўғри муносабатда бўлганлигини таъкидлаб, Б. А. Пестовс-

кий: «Танқид Ниёзий ижодига жуда қаттиқ муносабатда бўлди», деб ёзган эди.

Шу йилларда Тошкент театрлари саҳналарида Фитратнинг «Темур согонасида», «Чин севиши», «Ҳинд ихтилолчилари», Чўлпоннинг «Ёрқиной» каби қатор асарлари кўп қўйилар эди. Ҳамза буларга қарши чиқади. Бироқ улар айрим... «раҳбарлар» оталигига ўз мавқеларини яхшигина кучайтириб олиб, Ҳамзани «ту туриқсиз»ликда, асарларини «халтурачилик»да айблаб, Тошкентда ишсиз қолдирадилар».<sup>1</sup>

Ҳамза Қўқонга қайтиб, у ерда ишлайди. Сўнгроқ Бухоро, Хоразм ва Қорақалпогистонданда бўлиб, театр трупалари тузади, уларга маҳаллий мавзуларда бир қанча янги асарлар ёзиб беради. Ана шундай пъесалардан бири 1922 йилда янгигина содир бўлган Хоразм инқилобининг таассуротлари ва конкрет материаллари асосида ёзилган «Хоразм инқилоби» драмасидир. Драмада Ҳамза инқилобдан сўнг ниқобланиб олиб, раҳбар органларга суқилиб кирган хоинларни фош қилиб ташлади. Мазкур хоинлар эса амалидан фойдаланиб, асарнинг саҳнада ўйналишини тўхтатдилар, авторни эса минг хил түхматлар билан Коммунистик партия аъзолигидан учирдилар. Аммо улар бутун қалби Коммунистик партия билан ҳамоҳанг бўлган талантли санъаткорнинг ижтимоий ва адабий фаолиятини тұхтата олмадилар. Ҳамза бир қанча шаҳарларда бўлиб, бадиий ҳаваскорлик тўғаракларига раҳбарлик қилишини давом эттириди, янги драматик асарлар яратди. Ҳамзанинг бу фаолияти Совет ҳокимиятининг ички душманларига ёқмади. Улар Ҳамзага ҳужумни янада кучайтирдилар.

Ана шундай гараздлик танқидлардан бири Чўлпоннинг «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1925 йил 7—8-сонидаги мақоласидир. Мақола «Улуг ҳинду» деб аталиб, аслида машҳур ҳинд ёзувчиси Рабинранат Тагор ҳақида ёзилган. Мақолада Рабинранат Тагор ижоди ҳақидагина эмас, балки унга ва умумий адабиётга Чўлпоннинг муносабати ҳақида ҳам гап кетади. Ана шу ўринда Чўлпон ўзининг эстетик программасини баён қилган. Чўлпоннинг айтишича, Навоий каби шоирлар унинг меъдасига теккан, Авлоний, Ҳамза Ҳаким-

<sup>1</sup> «Қизил Узбекистон», 1939 йил 17 май.

зода кабилар эса гүё уни түғри йўлдан адаштириб, боши берк кўчага олиб кирган эмиш. «Ҳакимзодаларни ўқимайман, ўқимайман: мени шу йўлга солғонлар шулар!» — деб ёзади Чўлпон. Биринчидан, мақола автори ўзининг гоявий бузуқликларининг асл манбани яшириб, Ҳамза мени йўлдан адаштирган, — деб тухмат қиласди. Иккинчидан, Ҳамзанинг инқилобдан кейин, 1917 — 1925 йиллар орасидаги жанговар адабий фаолиятидан тамомила кўз юмади, Ҳамзанинг совет даврида яратган асарларини ҳам ўқимайман, дея жар солади. Агар гап бир жадид шоир Ҳамза асарларини ўқи-маслиги устидагина бўлгандা, у қадар ачинарли ҳол бўлмас эдику-я, лекин Чўлпон шу билан матбуот орқали Ҳамза ижодини камситишга уринади. Сўнгиси эса гаразли танқиднинг худди ўзидир.

1924 йил охирида Ҳамза Хоразмдан Фарғонага қайтган ва у ерда ғайрат билан ижодий фаолиятини давом эттираётган эди. Ҳамзанинг жўшқин ижоди Фарғона миллатчиларининг сирини фош қилас, асабига тегар ва улар ҳам марказий матбуотдаги баъзи кишилардан ўрганиб, маҳаллий газеталарда Ҳамзага тухматлар ёғдирар эдилар. 1920 йилдан бери Коммунистик партия аъзоси Шаҳобиддин Садруллин (Хўжаев) ўз эсадаликларида шундай дейди:

«...Ҳамзанинг фаолиятидан ниҳоят ғазабланган буржуа миллатчилари уни ҳар қандай қилиб бўлса ҳам тухматлашга уринадилар. «Фарғона» газетасининг бир сонида bemaza-betutuриқ шеър ёзиб, унинг галифе шим кийишини масхара қилмоқчи бўлиб, «сонларига қовун боғлаб юради у», — деб ёзганлари ёдимда бор. Буржуа миллатчилари «Фарғона» газетасига жойлашиб олиб, ўз ғояларини ўтказишга кўп ҳаракат қилганлар<sup>1</sup>. Сўнгги ҳаракат соф виждонли кишиларга тухмат ва ғаразли танқид шаклида ҳам кўринди. Шундай танқидларга мисол сифатида «Валихон ўғли» деган имзо билан «Фарғона» газетасининг 1925 йил 14 февраль сонида босилган. «Санойи нафиса теварагида» сарлавҳали мақолани қўрсатиш мумкин. Бу мақолада Ҳамза ва у раҳбарлик қилган бадиий ҳаваскорлик тўгараги асоссиз танқид қилинади.

<sup>1</sup> «Туркистонда Октябрь социалистик революцияси ва граjdанлар уруши». Иштирокчилар хотиралари, Тошкент, 1957 й. 265-сет (рус тилида).

Ҳамза бу хил танқидчилар асло ҳалқ оммасининг фикрини баён қилмаслигини тушунди ва уларнинг қаттиқ қаршиликларига қарамай, ўз ижодий фаолиятини янада авж олдираверади. Атоқли санъаткор ўзининг асарлари ўйналганда театр залларини тўлғизб ўтирган томошабинлардан, уларнинг гулдирос қарсаклар билан берган баҳосидан, Коммунистик партиянинг адабиёт соҳасидаги доно сиёсатидан маънавий куч олди. 1926 йилда Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитетининг Ҳамзага «Ҳалқ ёзувчиси» унвони бериш, умрбод пенсия тайинлаш ва пианино билан мукофотлаш ҳақидаги қарори санъаткорнинг кучига куч, гайратига гайрат қўшади. «Ўзбекистон ҳукумати мени, мени эмас, чин хизматимни тақдир этиб, «ҳалқ шоири» эълон қилиб, пенсия тайинлади. Буюк «ота шоир» ни эса меҳнаткаш зиёлилар съезди минг лаънатлар билан орасидан ҳайдаб чиқарди<sup>1</sup>. Ҳақиқат қуёши устун чиқди. Меҳнаткаш омма дўст-душманни айира билди. Шу икки баҳо мен учун етарли<sup>2</sup>, — деган эди Ҳамза.

Бу йилларда Ҳамза ижодига жамоатчиликнинг диққати янада кучайди. «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1926 йил 10 — 11-сонида Шокир Сулаймоннинг бир мақоласи ва Ҳамзанинг фоторасми босилди. Мақола Ҳамза биографиясини яратишдаги илк уринишлардан бири сифатида қимматлидир. Мақолада Ҳамза ижоди ва фаолияги умуман ижобий баҳоланиши шеир ижодини камситишга уриниб юрган адабиётчиларга кескин зарба эди.

1926 йилда Б. А. Пестовский «Ўзбек театри» сарлавҳали илмий ишининг тезисларини «Ўрта Осиё Давлат университети бюллетенлари»нинг 13 сонида рус, инглиз ва француз тилларида эълон қилди. Тезисларда ўзбек театрининг арбоблари қаторида Ҳамза ҳам тилга олинган. Б. А. Пестовскийнинг ҳамзашуносликдаги энг катта хизмати шундаки, у Ҳамза драматургиясига холис баҳо беради. Лекин ўзбек тилини

<sup>1</sup> Меҳнаткаш зиёлилар съезди 1927 й. 2 октябрда Самарқандда бўлган эди (Л. Қ.).

<sup>2</sup> Ҳамзанинг бу сўзлари «Қизил Ўзбекистон»нинг 1939 й. 17 май сонида босилган Ш. Сулаймоннинг Ҳамза ҳақидаги мақоласида келтирилади.

яхши билмаганлиги учун Ҳамза асарларини чуқур үрганмаслик, уларни текширишда фақат саҳнада кўргандаги таассуротлар билан чекланиш ва шулар асосидагина фикр юритиш Б. А. Пестовский ишларининг камчилиги эди.

1926 йилда Ўзбекистон марказий маданий оқартурв бўлимига ёзган бир хатида Ҳамза тўқсондан ортиқ куй ижод этганини ва бошқа янги асарлар яратганини айтиб, уларни нашр этиш ва ижодини давом эттириш учун моддий шароит тугдириб беришни илтимос қиласди. Чунки, бу йилларда ҳам айrim риёкор раҳбарлар Ҳамза ижодини камситишга, асарларини эса «бачкана», деб тухмат қилиб, нашр этмасликка ҳаракат қилганлар. Улар шу йўл билан Ҳамзани ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қийнаб, ижодига халақит бермоқчи бўлганлар. Шокир Сулаймон ёзади: «Бу вақтларда майшат томонидан жуда қийналди. Қўёнда бўлган вақтда менга бир кун шундай деб зорланди:

— Менда озми, кўпми талант бор. Шуни оммага беришим керак. Менга таъмин-майшат учун етарли ақча берсалар, мен ёзган асарларимни топшира бераман ва ўзим истаган бир труплада ишлайман. Ойлик олиш ва ёзган нарсаларимни идорама-идора кўтариб юриш менга тўғри келмайди... Савдолашиб юриш менга муносаб эмас»<sup>1</sup>.

1927 — 28 йилларда ҳам Ҳамзага ички душманлар қаршилиги давом этаверди, юқорида кўрсатилган асарлари босилиб чиқмади, нашрга топширилган «Қорасоч» операси йўқотиб юборилди, Ҳамза илтимосларининг баъзилари бажарилмади. Лекин Ҳамза бу қийинчиликларнинг барчасини енгигиб, Шоҳимардонга бориб, ички душманлар уясига ўт қўйди ва охири ана шу курашнинг қурбони бўлди.

Ҳамзанинг фожиона ўлеми муносабати билан Ўзбекистон матбуотида бир қанча мақолалар босилди. «Қизил қалам» адабий ташкилоти «Қизил қалам мажмуаси»нинг иккинчи китобини «социализм қуриш курашида синфий ёвларимиз — бойлар, руҳонийлар қули-

<sup>1</sup> «Қизил қалам мажмуаси», II бўлим, Самарқанд — Тошкент, Ўздавнашр. 1929 йил, 10-бет.

да ўлган ёзувчимиз Ҳамза Ҳакимзодага» бағишилади ва Ҳамза тўғрисида маҳсус мажмуа тўплашга қарор қилди (афсуски, бу ният амалга ошмаган). «Қизил қалам мажмуаси» иккинчи китобининг биринчи бетида Ҳамзанинг катта фотосурати, Ш. Сулаймоннинг «Шоирнинг кунлари (қисқача таржимаи ҳоли)» сарлавҳали мақоласи ва мақоладан сўнг «Сир» тахаллусли авторнинг «Шоирнинг ўлими» сарлавҳали сочма шеъри босилган. Китобдаги мақола (бу мақола Ш. Сулаймоннинг 1934 йилда нашр қилинган «Гуласал» сарлавҳали асарлар тўпламида ҳам учрайди) «Маориф ва ўқитғувчи» журналидаги мақоланинг таҳрир қилинган вариандидир. «Бизнинг бу қисқа ва кичкина мақоламиз,— деб ёзади Ш. Сулаймон,— Ҳамзанинг бутун кечирган ҳаётини, адабий фаолиятини, шўровий хизматини ўз ичига сифдира олмайди. Унинг мукаммал таржимаи ҳоли учун бир неча вақт жиддий уриниш керак. Бу келгуси вазифаларимиз сирасида туради»<sup>1</sup>.

1929 йил 5 майда, Совет матбуоти байрами муносабати билан «Янги Фарғона» газетаси ўзининг актив мухбири Ҳамза фаолиятига маҳсус редакцион мақола бағишилади. Бу кичик газета мақоласида Ҳамзанинг Қўйон шаҳридаги муаллимлик ва журналистлик фаолиятига оид қизиқарли маълумотлар бор.

Ҳамза ўлими муносабати билан «Правда Востока», «Қизил Ўзбекистон», «Ўзбекистанская правда», «Камбагал дехқон», «Шарқ ҳақиқати», «Ёш ленинчи», «Озод Бухоро», «Янги Фарғона» каби қатор газеталар, «Аланга», «Ер юзи», «Янги қишлоқ», «Худосизлар» каби журналлар ҳам кўп нарса эълон қилдилар. Бу мақолаларнинг баъзиларида Ҳамза ижодий биографиясига оид материаллар учрайди. Айниқса, «Аланга» журнали шоир ҳақида ўз саҳифаларида хотиралар босиб боришга жазм қилиб ва бу яхши ниятнинг намунаси сифатида Н. С. инициалли бир кишининг «Эслаганда» сарлавҳали хотирасини босиб чиқариб, мақтовга сазовор иш қилган. Бу хотирада Ҳамзанинг 1916 йиллар фаолиятига доир бир муҳим факт ҳикоя қилинади.

<sup>1</sup> Ш. Сулаймон. «Шоирнинг кунлари», «Қизил қалам мажмуаси», II бўлим, Самарқанд — Тошкент, Ўздавнашр, 1929 й. 11-бет.

Афсуски, журнал бу яхши ташаббусни охиригача етказмаган.

1929 йил июнь ойида Ҳамза қотиллари устидан очиқ суд бўлди. Суд материаллари «Қизил Ўзбекистон», «Янги Фарғона» газеталарининг бир неча сонларида давомли равишда босилиб борди. Бу мақолаларда, шунингдек, суд муносабати билан ёзилган «Янги қишлоқ» журналининг 1929 йил 8-сонида босилган бир мақолада Ҳамзанинг Шоҳимардондаги фаолиятига оид қизиқ фактлар келтирилади.

1931 йилда музикашунос Н. Мироновнинг «Песни Ферганы, Бухары и Хивы», деган китоби нашр этилди. Автор китобининг Фарғона қўшиқлари бобида Ҳамзанинг бир қанча қўшиклари бор. Уларнинг қисқача мазмунини Н. Миронов наср билан рус тилига таржима қилган. Автор ҳар бир қўшиқнинг оҳангига ҳақида кенг тафсилот беради. Асарнинг қиммати шундаки, китобдаги қўшиқлар 1928 йилда Н. Миронов ва бошқалар томонидан Ҳамзанинг ўз ижросида ёзиб олинган.

30-йилларда ўзбек адабиётшунослигида ҳам жiddий ютуқлар қўлга киритилди. Ана шундай ютуқлардан бири ўзбек совет адабиёти масалалари диққат марказига қўйилиши, жiddий ўрганилиши, ўзбек совет адабиёти ҳақида бир қанча очерк типидаги мақолалар ёзилиши бўлди. Биз бу ўринда Ўзбекистон Фанлар академиясининг корреспондент аъзолари, атоқли шоирлар Ҳамид Олимжон ва Ўйғунларнинг «Жадид адабиётининг синфий моҳияти масаласига» («Социалистик фан ва техника» журнали, 1935 йил, 1 — 2-сонлар), «Социалистик реализмни эгаллаш йўлида» («Ўзбекистон Шуро адабиёти» журнали, 1933 йил, 2-сон), «Ўзбек совет адабиётининг биринчи даври» («Совет адабиёти» журнали, 1935 йил, 11 — 12-сон) каби салмоқли ва мазмундор илмий-текшириш ишларини кўзда тутамиз. Ўзбек совет адабиёти тўғрисида гап кетар экан, унинг тўнгич вакили Ҳамзани тилга олмай ўтиш мумкин эмас. Шумъёнода бу авторлар Ҳамза ижоди ҳақида ҳам мулоҳаза юритадилар. Унинг революцион поэзиясига ижобий баҳо берадилар, ўзбек совет адабиётидаги Ҳамзанинг ўрнини асосан тўғри белгилайдилар.

Лекин бу давр илмий ишларida Ҳамза ижоди ҳақида айтилган фикрлар орасида мунозаралилари ҳам йўқ эмас. Чунончи, адабиётшунос Миён Бузрук Соли-

ҳов «Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари»<sup>1</sup> (1933) китобида жадидизм ҳақида гапиаркан, жадид адабиёти вакиллари қаторига Ҳамзани ҳам киритади. Профессор А. Г. Саъдий ҳам «Ўзбек буржуа адабиёти» сарлавҳали урта мактабларнинг VI синфи учун ёзилган дарслигига Ҳамзани жадид адабиётининг вакили, деб эълон қиласди. А. Саъдий жадид адабиётининг вакилларини уч бўғинга бўлади ва «Ҳамза Ҳакимзода, Мўминжон, Жулқунбой, Хоиб, Миллий, Чўлпон ва бошқалар жадид адабиётининг мана шу ёш бўғинини ташкил этар эдилар. Шу ёш бўғин жадид ёзувчилар ичидан Октябрь инқилобидан кейин самимий равишда совет томонига ўтиб, попутчик бўлиб (?), адабий ишчанлигини ишчилар синфи манфаати йўлида давом қилдириб кетувчиларнинг биринчиси — Ҳамза Ҳакимзода бўлди»<sup>2</sup>, деб ёзади.

Ҳ. Олимжон ва Ўйғунлар «Ўзбек совет адабиётининг биринчи даври» сарлавҳали илмий ишларида Ҳамза ҳақида шундай дейдилар. «Инқилобгача... шоирнинг ижодида анча кучли бўлган майда буржуа тенденциялари мавжуд эди. Лекин бу тенденциялар уни жадид буржуа ёзувчиларидан айриб, алоҳида бир ўринга қўя олмас эди. Шоир қанчалик ўзига хос хусусиятларга қарамасдан, жадид буржуа ёзувчиларининг позициясида турди. Жадид буржуа ёзувчилари курашган капиталистик тараққиёт учун курашди (?) ва бу йўлда ўзини танита олди»<sup>3</sup>.

Ҳамзанинг Октябрь инқилобигача бўлган ижодининг фақат жадидизм таъсири остида ёзилган моментларинигина қўриб, етакчи роль ўйнаган маърифатпарвар — демократик гояларини етарли баҳоламаслик, у «капитализм тараққиёти учун курашди» деб тушуниш, ўзбек совет адабиётининг асосчисини попутчик

<sup>1</sup> М. Солиҳов. «Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари», Т. ЎзССР Давнашр, 1933 й. Бу китобнинг барча принципиал хатолари Ҳ. Олимжон ва Ўйғуннинг 1934 йилда ёзилган «Фош қилиш эмас, хаспушлаш» сарлавҳали мақолосида тўғри очиб ташланган. Қаранг: Ҳ. Олимжон. Уч томлик танланган асарлар, III том, Т. Ўзадабийнашр, 1960 й. 193—202-бетлар.

<sup>2</sup> А. Г. Саъдий. «Ўзбек буржуа адабиёти XIX ва XX аср», VI ўқишили учун дарслик, Тошкент, ЎзССР Давнашр, 1934 й. 65-бет.

<sup>3</sup> Ҳ. Олимжон. Ўйғун. «Улуг совет адабиётининг биринчи даври», «Совет адабиёти» журнали 1935 й. 4-сон, 43-бет.

деб эълон қилиш асло-асло ҳақиқатга тўгри келмайди ва ҳамзашуносликнинг ўша давр савиясидан келиб чиққан хатоликдир. Худди шу даврда ёзилган М. Ҳофизнинг «Ҳамза»<sup>1</sup> сарлавҳали мақоласи билан Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг органида Ҳамза ижодига ҳаққоний ва юқори баҳо берилди.

1935 йилда Москвада «Литература Ўзбекистана» сарлавҳали тўплам рус тилида босилди. Бу тўпламни В. Ермилов бошчилигида Ўзбекистонга келган бир гурӯҳ рус адиллари ўзбек ёзувчилари билан ҳамкорликда нашрга тайёрлаганлар. Тўпламнинг таржимаси ва таҳририда Л. Леонов, Б. Лапин, М. Светлов, П. Антохольский, В. Гусев, Н. Ушаков, Н. Панов, ва бошқалар иштирок этганлар. Тўпламда Раҳмат Мажидийнинг «Ўзбекистон адабиёти» сарлавҳали мақоласи бор. Унда Октябрь инқилобининг биринчи кунларидаёқ революцион совет қўшиқларини куйлаган шоирлар Ҳамза Ҳакимзода, Сұфизода, Авлонийлар ҳаққоний равишда ижобий баҳоланади.<sup>2</sup>

30-йилларнинг охирига келиб, Ҳамза фаолиятини баҳолашдаги қарама-қаршиликларга чек қўйилди ва унинг ҳаёти ва ижоди ўқитулув учун ўрта ва олий мактаб программа ва дарслкларига киритилди.

Ўзбекистон ҳукумати 1939 йилда, ўлимига ўн йил тўлиши муносабати билан Ҳамза юбилейини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Машҳур давлат арбоби ва шоирнинг яқин дўсти Йўлдош Охунбобоев раислигига тузилган ҳукумат комиссияси Ҳамза ҳаёти ва ижодига оид материалларни тўплашда жонбозлик кўрсатди. Лекин Ҳамза ижодини менсимаслик, уни ерга уришга ҳаракат бу даврда ҳам баъзан кўриниб қоларди. Бу ҳақда «Қизил Ўзбекистон» газетаси 1939 йил 16 июлдаги бош мақоласида шундай ёзади: «Айрим район, область газеталаримиз Ҳамзанинг революциягача бўлган ва ундан сўнгги фаолиятини тушуниб етмаганга ухшайдилар. Улар Ҳамзага нисбатан ҳурматсизлик, унинг бой, мазмунли ижод хазинасига енгилтаклик билан баҳо беришгача бориб қолганлар. Ҳамзанинг буюк Октябрь социалистик революциясини баланд завқ ва

<sup>1</sup> М. Ҳофиз. «Ҳамза». «Қизил Ўзбекистон», 1935 й. 5 март.

<sup>2</sup> «Литература Ўзбекистана», Москва, ГИХЛ, 1935 г. стр. 20.

муҳаббат билан қарши олгани революция учун тинмай курашгани унинг ижодиётининг моҳиятини бемалол белгилаб беради.

Ҳамза асарларига юзаки баҳо бериш, бемаъни, асосиз адабий текширишларга йўл қўйиш — совет адабиётiga ҳурматсизликнинг ўзгинасидир.

Ҳали Ҳамза асарларини үрганишда лозим бўлган даражага кутарилганимиз йўқ. Унинг маданий меросини чуқур үрганиш, оммалаштириш асосий вазифалардан бири бўлиб туради. Ҳамза асарларининг ҳақиқий моҳияти, фазилатини кенгроқ ёритувчи илмий асарлар яратиш керак»<sup>1</sup>.

Партия Марказий органининг бу одил фикрига амал қилиб, Қомил Яшин, Юсуф Султон, Сотти Ҳусайн, Шокир Сулаймон, Шариф Ризо ва бошқа ҳамзашунослар маҳаллий газета ва журналларда бир қанча мақолалар билан чиқдилар. Юбилей муносабати билан Сотти Ҳусайннинг, Юсуф Султоновнинг китоблари нашр этилди. Бу китобларда биринчи марта Ҳамза биографияси системага солинди ва ижоди тўғри талқин қилинди. Шу йилларда Сотти Ҳусайн Ҳамзанинг «Танланган асарлар»ига бир неча сўзбошилар ёзди. Бу сўзбошиларда айрим мунозарали ўринлар бўлишига қарамай, Ҳамзанинг ижодий биографияси умуман тўғри баён қилинади.

Улуғ Ватан уруши йилларида нашр этилган Ҳомил Еқубоннинг «Ҳамза Ҳакимзода» (Тошкент, 1942 й.) брошюрасида Ҳамзанинг фаолияти совет жангчилари учун намуна эканлигини очишга алоҳида эътибор берилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Юсуф Султоновнинг 1949, 1955, 1959, 1973, 1979 йилларда турли сарлавҳалар билан нашр этилган китобларида худди шу авторнинг 1940 йилда нашр этилган китобидаги материаллар сўнгги янгиликлар билан тўлдириб борилди. Бу тўлдиришлар фақат адабий материаллар ҳисобигагина эмас, биографик маълумотлар ҳисобига ҳам бўлди.

1954 йилда А. Еобохоновнинг «Ҳамза Ҳакимзода» (шоир ва драматург) сарлавҳали брошюраси босилиб чиқди. Брошюрада Ҳамзанинг баъзи публицистик

<sup>1</sup> «Қизил Ўзбекистон», 1939 й. 16 июль.

мақолалари ва «Жаҳон сармоясининг охирги кунлари» асари биринчи марта илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Ю. Султонов, А. Бобохонов, Р. Пұлатов, З. Миртурсынов, У. Бозоров, Х. Назарова, М. Раҳмонов, Ф. Мўминов, С. Мусахўжаева, Ҳ. Умаров, М. Аминова, Ф. Жалолов, Т. Шарипова ва бошқалар Ҳ. Ҳ Ниёзийнинг ижоди, драматургияси, театр соҳасидаги фаолияти, фалсафий, педагогик ва ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳақида турли йилларда кандидатлик диссертациялар ёқладилар. Бу илмий ишлар Ҳамза ҳаёти ва ижодини ўрганишда катта роль ўйнади, ҳамзашуносликни янги, юқори босқичга кўтарди.

Академик Иброҳим Мўминовнинг «Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти тарихидан» сарлавҳали ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Иззат Султсоновнинг «Ўзбек адабиётида социалистик реализм методининг шаклланиши тарихидан» сарлавҳали докторлик диссертацияларида Ҳамза ижоди ҳақида маҳсус бўлимлар борки, булар ҳамзашуносликка қўшилган муҳим ҳиссадир. Академик Воҳид Зоҳидовнинг «Ҳамза ва Шарқ», «Ёзувчи, жангчи, коммунист» каби Ҳамза ижодининг бағишлиланган мақолалар ҳам алоҳида диққат ва юксак баҳога сазовор.

1955—1957 йилларга келиб, Ҳамзанинг нашр қилинаётган «Танланган асарлар»и унинг ижоди ҳақида тўла тасаввур бермаётганлиги, санъаткорнинг ижодий мероси нашр этилганлардан кура анчагина бойлиги, Ҳамза ҳақидаги мақола ва брошюраларда эски гаплар такрорланаётганлиги, республика Ҳамза Комитетининг фаолияти сустлиги кабилар адабий ва илмий жамоатчиликни жиiddий ташвишга sola бошлади ва бир қанча илмий ходимлар Ҳамза ижодини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш зарурлигини таъкидлаб чиқа бошладилар. Чунончи, санъатшунослик институтининг илмий ходимлари А. Рибник ва Т. Турсуновлар «Ташкентская правда» газетасида «Об изучения драматургического наследия Хамзы» сарлавҳали мақола билан чиқиб, Ҳамза драматургиясини ўрганишдаги сусткашликни кескин танқид қилдилар ва бу соҳадаги вазифаларни конкрет кўрсатдилар. Бу авторлар Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти-

нинг ўша вақтдаги илмий ходимлари А. Қаюмов ва Қ. Мунировларнинг «Шарқ юлдузи» журналиниңг 1954 йил З-сонида «Ҳамза Ҳакимзода қўллётмалари» сарлавҳали мақолаларидаги Ҳамзаниң тұла асарлар түпласмини нашр этиш вакти аллақачон етғанлиги ҳақидаги фикрларини қувватладилар. А. Рибник ва Т. Турсуновларнинг «шу вақтгача биз ёзувчининг на тұла биографиясига, на драматик асарларининг чуқур анализига эга әмасмиз»<sup>1</sup>, — деган фикрлари ўша вақтда ҳақиқатан ҳам тұғри әди. Мақола авторларининг республика тарих музейіда Ҳамзаниң шахсий архиви шу вақтгача очилмагани ва ўрганилмаганлиги ҳақидаги таъкидлари ҳам тамомила ўринли әди.

Тошкент Давлат университети ўзбек адабиёти кафедрасининг аъзолари Ғулом Каримов, Лазиз Қаюмов, Ҳомил Ёқубов ва Озод Шарафиддиновлар «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1957 йил 21 науябрь сонида «Адабий меросимизни чуқур ўрганайлик» сарлавҳали мақола билан чиқдилар ва бунда адабиётшунослик олдида бошқа ссҳалар қатори ҳамзашуносликда ҳам жиғдий проблемалар турғанлиги, Ҳамзаниң инқилобгача бўлган ижодига узил-кесил, қатъий баҳо берилмаганлиги, бу давр ижоди чуқур ўрганилмаётганлиги, нашр этилган «Танланган асарлар» бирбирининг айнан такори бўлиб, унда Ҳамза ижоди камбағаллаштириб кўрсатилаётганлиги кабиларни таъкиллаб ўтдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихини ўрганиш институтининг илмий ходими И. Касъковнинг «Восстановить литературное наследие народного писателя Узбекистана» сарлавҳали мақоласи<sup>2</sup> ҳам юқоридаги ўртоқларнинг фикрларини давом эттиради. И. Касъков Ҳамза замондошларининг эсадаликларини түплаш ва нашр этиш масаласини ҳам тұғри қўяди.

Илмий жамоатчиликнинг бу сигналлари бекорга кестмади, ҳамзашуносликда катта кутарилиш бошланди. 1958 йилда, Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига атаб, Ҳамзаниң «Танланган асарлар»и олдинги нашрларидан кўра бойроқ қилиб босиб чиқарилди. 1960 йилда Ўзбекистон Фанлар ака-

<sup>1</sup> «Ташкентская правда». 1957 йил, 21 сентябрь.

<sup>2</sup> «Правда Востока», 1959 г. 19 июнь.

демияси Тил ва адабиёти институтининг колективи Ҳамзанинг икки томлик асарлар тўпламини ўзбек ва рус тилларида нашр этди.

Бу йилларда Ҳамзанинг ҳаёти ва ижоди ҳамзашунослиknинг йирик проблемалари бўйича бир неча жиддий илмий ишлар юзага келди. Ана шундай асарлардан бири Г. А. Уварованинг «Ҳамза Ҳакимзаде Ниязи» сарлавҳали «Писатели народов СССР»<sup>1</sup> китобидаги анчагина мазмундор мақоласидир. Икки ярим босма листидан ортиқ ҳажмли бу мақолада шоир ва драматург Ҳамзанинг ижодий йўли яхшигина ёритилган. Г. А. Уварова Ҳамзанинг «Ғолибият» сарлавҳали яқинда топилган драмасини биринчи марта таҳлил қилади. Автор Ҳамзанинг Навсий ҳақидаги, «Миллатчилар», «Меҳнат ва олтин», «Вафога хиёнат», «Капитал», «Қармоқ» каби асарлари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар беради. Шоир замондошларининг хотиралари асосида бу асарларнинг мазмунини тиклашга ҳаракат қиласиди. Бу хил янги материаллар Г. А. Уварова илмий ишининг қимматини янада описради. Бутун Иттифоқ минбаридан кенг ўқувчилар оммасига қарата ёзилган бу ишда агар Ҳамзанинг педагогик ва публицистик мероси ҳам кенгроқ анализ қилинганда шоирнинг ижодий қиёфаси янада тўлароқ очилган бўларди. Бу илмий очеркда Ҳамза ижоди, хусусан драматургияси, жанрлар бўйича тавсифлангани бизни ҳайратга солади. Агар бу тавсиф хронология принципи билан бажарилганда, назаримизда, тўғрироқ бўлур эди, ёзувчи маҳоратининг эволюцияси яхшироқ очиларди.

1959 йилда Г. А. Уварованинг «Ўзбек драма театри» сарлавҳали 17 босма лист ҳажмидаги каттагина китоби Москвада рус тилида босилиб чиқди.<sup>2</sup> Бу китобда ўзбек совет театр санъатининг туғилиши, тараққиёти этаплари ва шу кунги ҳолати ҳақида атрофлича маълумот берилади. Ўзбек совет театрининг асосчиси Ҳамза фаолиятига китоб автори кўп эътибор берган ва ўзининг Ҳамза ҳақидаги аввалги илмий иши-

<sup>1</sup> «Писатели народов СССР» Москва Изд. АНСССР. 1957, 208—251 стр.

<sup>2</sup> Г. Уварова. «Узбекский драматический театр», Очерк истории. Под общей редакцией профессора Георга Гояна. Москва, Изд. «Искусство», 1959г.

ни бу китобга сингдириб юборган. Бу илмий ишнинг характеристири ва ҳажми Ҳамза фаолиятини янада кенгроқ ёритишга, ўша давр маданий ҳаёт фонини тўла-роқ кўрсатишга имконият берган ва бу имкониятдан китоб автори яхши фойдаланган. Шунинг учун ҳам бу китобнинг «20-йилларда театр санъатининг ривожланиши» сарлавҳали биринчи боби ҳамзашуносликка бевосита алоқадор ва жуда қимматли.

Г. А. Уварова ўз китобида Ҳамза биографиясига оид бир неча муҳим янгиликлар ҳам айтади. Лекин баъзан, Ҳамза 1914 йилда Қозон шаҳрида бўлган, у ерда А. Н. Островскийнинг «Момақалдироқ» асарини татар артистлари ижросида кўрган (17-бет) деганга ўхшаф факлар билан тасдиқланмаган тахминлари ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Юсуф Султонов 1959 йилда «Халқ санъаткори» сарлавҳаси билан ўзбек тилида, «Ҳамза» сарлевҳаси билан рус тилида икки китобини нашр этди. Мазмунан бир хил бўлган бу китоблар Ю. Султоновнинг аввалги илмий ишларига асосланиб, уларни сўнгги даврда топган бир қанча янгиликлар билан бойитишдан пайдо бўлган. Тадқиқотчи кўп материаллар ичидан энг муҳимларини ажратиб олиб, уларни тартибга солиб, илмий равишда Ҳамзанинг адабий портретини яратади. Айниқса, «Заҳарли ҳаёт», «Лошмон фожеаси», «Фаргона фожеаси» каби асарларнинг таҳлили мақтовга сазовор. Ю. Султонов Ҳамза ижодининг асосий тараққиёт этапларини белгилаш, шоир дунёқарашининг эволюциясиин аниқлашга ҳаракат қиласи ва анча муваффақиятга эришади. Китобда Ҳамзанинг совет даври ижодини даврлаштириш у қадар муваффақиятли чиқмаган. Шунингдек, айрим фактик хатоликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, китобнинг 24-бетида ўқиймиз:

«1924 йил июнь ойи охирларида Ҳамза Ҳакимзода Хоразмдан Қўйғон шаҳрига келди. Бу ерда область сиёсий оқартув муассасалари бошқармаси мудирининг ўринбосари бўлиб ишлади».

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қўлёзмалар институтининг Ҳамза архивида сақланувчи бир ҳужжат бор. Бу ҳужжат Ҳамзанинг Хоразмда охирги ишлаган жойидан берилган бўлиб, унда Ҳамза 1924 йил

8 августгача хизматда бўлгани айтилади ва бинобарин, Ю. Султонов кўрсатган тарих тасдиқланмайди.

Юсуф Султоновнинг катта илмий аҳамиятга эга бўлган бу китоблари адабий жамоатчиликнинг диққат-эътиборига сазовор бўлди ва матбуотда бу китоблар ҳақида бир қанча ижобий фикрлар айтилди<sup>1</sup>. Айни вақтда китоблардаги айрим камчиликлар ҳам объективравиша қайд қилинди. Шу маънода А. Вулиснинг қўйидаги танқидий мулоҳазаларига тўла қўшилиш мумкин:

«Таомилга кўра асарлар гоявий ва тематик жиҳатдангина куриб чиқилади. Ҳамза ва унинг атрофидағи адабий муҳит маълумотлари жуда кам. Очеркда адабий алоқалар ҳақида ўта юзаки гапирилади: Ҳамзанинг ўтмишдошлари ва ворисларининг номлари саналади, холос».

Ҳамза ҳақида ёзилган энг мазмундор ишлардан бири Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Мамажон Раҳмоновнинг «Ҳамза ва ўзбек театри» (1958) сарлавҳали китobi бўлди. Бу катта илмий тадқиқот ишида Ҳамза ижодининг турли соҳалари ўзбек театри тарихи фонида кенг ва ҳар томонлама очилади. Асарнинг кириш қисмida ўзбек театр санъатининг энг қадимги давридан то Ҳамзагача бўлган тарихига обзор берилган. Асосий бобларда Ҳамзанинг Октябрь революциясигача ва инқилобдан сўнгги давр драматургия ва театр соҳасидаги кўп қиррали фаолияти баён қилинади. Ёзувчининг совет даври ижоди, унинг театрчилик фаолияти хронология асосида этапларга бўлинади, асарлари эса жанрига қараб драма, трагедия, комедияларга бўлинниб таҳлил қилинади. Бизнингча асарларни жанрларга бўйича анализ қилиш принципи, Г. А. Уварованинг китобидагидек, у қадар муваффақиятли чиқмаган. «Ҳамза ва театр», «Йигирманчи йиллар бошидаги театр танқидчилиги тўғрисида» сарлавҳали боблар китобда органик жиҳатдан боғланган эмас ва унинг композициясини

<sup>1</sup> Каранг: а) А. Вулис. «Книга о Хамзе», «Правда Востока», 1960 г. 23 марта. б) А. Вулис. «Основоположник узбекской советской литературы», «Вопросы литературы», 1960 г. № 7, 220—223 стр. в) Л. Каюмов. «Хамза в литературной критике», «Звезда Востока», 1961 г. № 2,9 стр.

бузиг туради. Ҳар бир тадқиқотчининг фаолиятига баҳо берилганда, у ўзидан олдинги авторларга нисбатан қандай янгилик берганлиги кўзда тутилмоғи лозим. Шу жиҳатдан қараганимизда, М. Раҳмоновнинг китоби энг юқори мақтога сазовор, чунки автор жуда кўп фактик ва назарий янгилик бера олган. Китоб автори Ҳамзада санъаткорлик талантининг туғилиши, ривожланиши ва гуллаши ҳақида мукаммал равишда гапирган, унинг кўпчиликка номаълум бўлган бир қанча асарларининг сюжетини Ҳамза спектакларида роль ўйнаган ва уни яқиндан билган артистларнинг эсадаликлири асосида тиклашга муваффақ бўлган. Энг қимматлиси шуки, китоб автори жуда кўп фактлар асосида бизга Ҳамзанинг гигант фигурасини улкан артист, режиссёр, драматург, театр ташкилотчиси бўлган ёрқин шахсни кўрсата олган. Автор унча яхши оча олмаган ягона ҳолат, бизнингча, унинг жадид драматургиясига муносабатидир.

М. Раҳмонов ўзбек театрининг шу даври ҳақида характерли фактлар келтиради-ю, лекин ўзининг уларга бўлган муносабатини очиқ-ойдии кўрсатмайди. Бу камчилик шу авторнинг рус тилида 1960 йилда босилиб чиқсан «Ҳамза и узбекский театр»<sup>1</sup> китобида тузатилган. Китобнинг русча нашри ўзбекча вариантидан ҳажм жиҳатидан ҳам, характер жиҳатидан ҳам, композиция жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам яхши маънода фарқ қиласди. Бу китобда ортиқча фактлардан воз кечилган ҳолда, назарий умумлашмаларни чуқурлатиш ва аниқ таъриф беришга эътибор берилган. Ортиқча обзорлардан воз кечилган ҳолда китоб композицияси ихчамлаштирилган. Китоб охирида Ҳамза ҳаёти ва ижодининг асосий саналари берилиб, фойдали иш қилинган.

Умуман олганда М. Раҳмоновнинг бу икки китоби, шунингдек, 1968 йилда нашр этилган «Ўзбек театри тарихи» сарлавҳали йирик асари ҳамзашуносликка, ўзбек театри тарихига қўшилган катта ҳиссадир.

Санъатшунослик фанлари доктори Файзулла Кароматовнинг 1953 йилда рус тилида нашр қилинган мо-

<sup>1</sup> М. Раҳманов «Ҳамза и узбекский театр.» Под редакцией доктора искусствоведения Георга Гояна. Ташкент, УзГИХЛ, 1960 г.

пографияси «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва ўзбек совет музикаси» деб аталади. Автор Ҳамзани биринчи ўзбек совет музика арбоби сифатида текширади ва унинг Ўзбекистон музика санъатининг шаклланиши ва ривожидаги ролини кузатишни мақсад қилиб қўяди. Китобда Ҳамзанинг музикага бўлган зўр қизиқиши ва таланти конкрет мисолларда очилган. Унинг халқ қўшиқларига муҳаббати 1915 — 1917 йиллардаёқ халқ қўшиқларини тұплаб, етти тұплам қилиб, нашр қилишга олиб келгандыги тұғри таъкидланади.

Ҳамзанинг совет давридаги музика ва қўшиқ соҳасидаги ижодий фаолияти ҳақида китобнинг марказий бўлимидаги жуда яхши гапирилади. Автор Ҳамзанинг музика соҳасидаги фаолиятини тұла ёритишида Ҳамзани яқиндан биладиган композитор Тұхтасин Жалилов, хоразмлик машҳур бастакор Мадраҳим Ёқубов (Шерозий), Ҳамза раҳбарлық қилган оркестр аъзоси Довидбоев, шоирнинг ҳамشاҳари Иброҳим Зияев, артист М. Тожизодаларнинг эсдаликларидан материал сифатида кенг фойдаланади. Бу материалларнинг кўпчилиги санъатшунослик институти уюштирган 1955 йил илмий экспедицияси давомида топилган ва фанга биринчи марта киритилган. Китобнинг яна бир ижобий хусусияти шундаки, автор бошқа ҳамзашунослардан фарқ қиласроқ Ҳамзанинг ўзбек совет музикасидаги традицияларини, Т. Жалилов, И. Акбаров, Ф. Содиқов, К. Жабборов, П. Ҳасанов каби ўзбек совет композиторлари ижодига бўлган таъсирини текширишга киришган. Китобда мавжуд айрим фактик ноаниқликлар бу керакли китобнинг қимматини унчалик пасайтирумайди дейиш мумкин. Китобнинг ўзбек тилига таржима қилиниши ниҳоятда мақсадга мувофиқдир.

Фалсафа фанлари кандидати Убайдулла Бозоровнинг «Идейные основы творчества Хамзы Хаким-заде Ниязи»<sup>1</sup> сарлавҳали рус тилидаги китоби Ҳамзанинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларига бағишиланган. Асар уч катта қисмдан иборат бўлиб, биринчи бобда жуда кўп фактлар асосида маърифатпарвар-демократ Ҳамзанинг ижтимоий ва ижодий фаолияти харак-

<sup>1</sup> У. Б. Бозоров. «Ҳамза ижодининг ғоявий асослари», ЎзССР ФА академиги И. М. Муминов таҳрири остида. Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1960.

терланади Иккинчи бобда Ҳамза социализм ғояларининг тарғиботчиси сифатида кўрсатилган. Боблар сарлавҳасидан мазмуни аниқ билиниб турган қўйидаги бўлимларга бўлинади: «Ҳамза — Октябрь социалистик революциясининг куйчиси», «Ҳамза — ишчилар синфи билан меҳнаткаш дехқонлар иттифоқи ғояларининг тарғиботчиси», «Ҳамза асарларида ватанпарварлик ва халқлар дўстлиги ғоялари», «Ҳамзанинг Ўзбекистонда социалистик маданият яратиш учун кураши», учинчи бобда Ҳамзанинг атеистик, эстетик ва ахлоқий қарашлари текширилади. Охирги бўлимлар, айниқса Ҳамзанинг эстетик қарашлари бўлими, шоирнинг ижодий материаллари янада чуқурроқ назарий умумлашмалар чиқаришга имкон беришига қарамай, мазмунан саёз. Ахир адабиёт ва театр санъатида революция қилган ўзбек совет санъаткорининг эстетик қарашлари ҳақида ўн уч бетда тўла тасавур бериш мумкинми? Ҳамза асарларидан баъзи парчаларнинг эркин таржима қилиниши китобнинг камчилигидир. Автор негадир Ҳамзанинг машҳур драмаси «Захарли ҳаёт»ни ҳамма китобларда ёзилётгандек «Отравленная жизнь» эмас, балки «Жизнь — отрава» деб таржима қилиниши ҳам муваффақиятли чиқмаган.

Китобнинг 1960 йилда нашр қилинган ўзбекча варианти<sup>1</sup> анча яхши таҳрир қилинган, унга баъзи муҳим фактик ва назарий янгиликлар киритилган. Натижада, У. Б. Бозоровнинг бу китоблари Ҳамзанинг ижтимоий-фалсафий қарашларини яхши ва тўғри баён қилувчи илмий манбага айланган.

Педагогика фанлари доктори Абдулла Бобохонов кейинги йилларда Ҳамзанинг адабий ижоди билан баравар педагогик меросини ҳам ўрганиш билан банд бўлди. А. Бобохонов бу соҳадаги ўз кузатишларини «Ўзбекистоннинг буюк маърифатпарвари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг педагогик қарашлари» («Советская педагогика» журнали, 1959 й. 10-сон) мақоласида, «Ҳамза Ҳакимзоданинг педагогик ғоялари» сарлавҳа-

<sup>1</sup> У. Б. Бозоров. «Ҳамза ижодининг ғоявий асослари», ЎзССР ФА академиги И. М. Мўминов таҳрири остида. Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1960.

ли брошюрасида<sup>1</sup> ва «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг адабий-педагогик мероси»<sup>2</sup> китобида эълон қилди.

Педагогика фанлари кандидати Зокир Миртурсуновнинг «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг халқ маорифи ва тарбия ҳақидаги фикрлари» китобчасида ҳам (Тошкент, «Урта ва олий мактаб» нашриёти, 1961 йил) Ҳамзанинг педагогик мероси яхши таҳлил қилинади.

Педагогика фанлари доктори Ж. Үринбоев «Ҳамзанинг Ҳўжайли интернатидаги педагогик фаолияти» (Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1969) китоби ҳам мазмунан юқоридаги манбаларни тұлдиради.

Тадқиқотчилар Ҳамзанинг педагогика масалаларига оид фикрларини ҳар хил манбалардан топиб, йиғиб, системага солиб баён қилдилар ва ўз даври нуқтаи назаридан тұғри баҳоладилар.

Уларнинг талқинида Ҳамза машҳур маърифатпарварлар Гагебашвили, Рашид Афандиев, Қаюм Носирий, Иброҳим Олтинсарин кабилар билан бир қаторда турувчи педагог арбобидир.

Филология фанлари доктори Эргашали Шодиевнинг «Ҳамза ва тожик адабиёти» сарлавҳали 1969 йилда Ленинободда нашр қилинган китобида шу мавзу чуқур ва янги фактлар билан бойитиб ёритилген.

Табиийки, ўзбек совет адабиёти ва санъатининг тарихини Ҳамза ижодисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам барча умумий тарихларда (хоҳ у мактаб ёки олий ўқув юрти дарслиги бўлсин, хоҳ у академик адабиёт тарихи бўлсин) Ҳамза ўзига муносиб ўрин олиб келди.

Бир қанча илмий проблемаларга бағишлиланган монографияларда Ҳамза ижодига баҳо берилган. Шулардан ижобий намуна сифатида филология фанлари докторлари Ҳафиз Абдусаматов<sup>3</sup>, Маҳмудали Юну-

<sup>1</sup> А. А. Бобохонов. «Ҳамза Ҳакимзоданинг педагогик ғоялари», Тошкент, «Қизил Узбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриёти 1960 й.

<sup>2</sup> А. А. Бабахонов. «Педагогическое литературное наследие Хамзы Хаким-заде Ниязы.» Под редакцией В. И. Макова, Ташкент, УзГИХЛ, 1960 г.

<sup>3</sup> Ҳ. Абдусаматов. «Традиция ва новаторлик проблемаси, Тошкент, «Фан», 1974.

сов<sup>1</sup> ва филология фанлари кандидати Гаффор Мўминовнинг<sup>2</sup> традиция ва новаторлик проблемаларига бағишиланган мазмундор китобларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Сунгги йигирма беш йил ичida ҳамзашунос сифатида биз олиб борган тадқиқотлар 1963 йилда ҳимоя қилган «Ҳамзанинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва поэтик ижоди» сарлавҳали докторлик диссертациясида шунингдек «Ҳамза ижодининг эстетик принциплари» (1962. М. Аминова билан ҳамкорликда), «Инқилоб куйчиси» (1962), «Инқилоб ва ижод» (1964), «Инқилобий драма» (1970), «Шоир ва гражданин» (1970), «Ҳамза» (1973) ва яна русча «Певец Октября» (М. 1964), «Ҳамза» (Т. 1979) «Поэт и гражданин» (М. 1979) каби бир қанча китобларимизда баён қилинган.

Ҳамза ижодини оммалаштириш, кенг ўқувчилик оммасини шоир асалари билан чуқурроқ таништириш — ҳамзашуносликнинг муҳим вазифаларидан бири. Республикализнинг ҳамма бурчакларида мавжуд бўлган оммавий кутубхоналарнинг роли бу соҳада жуда буюк. Кутубхона ходимлари, айниқса, юбилейлар муносабати билан кўп иш қилишлари мумкин. Ана шу ишда уларга ёрдамчи материаллар ЎзССР Давлат кутубхонасининг илмий колективи томонидан тузилиб икки марта 1960 ва 1974 йилларда нашр қилинган библиографик ва методик қўлланмада бор. Бу китобчаларда Ҳамза ҳаёти ва ижоди ҳақида талантли санъаткор ижодига бағишиланган илмий адабиёт ҳақида керакли маълумот ва адреслар бериш билан бир қаторда Ҳамза ижодини пропаганда қилиш методикаси ҳам яхши тушунтирилган.

Юқорида обзор қилинган барча асалар ҳамзашунослик анча жонлангани, янги илмий тадқиқотлар юзага келгани, буларда Ҳамза ижоди умуман эмас, балки конкрет проблемалар бўйича ишланаётгани ва ҳамзашуносликнинг савияси анча кутарилганлигини кўрсатади.

<sup>1</sup> М. Юнусов. «Традиция ва новаторлик проблемаси», Тошкент, «Фан», 1967.

<sup>2</sup> F. Мўминов. «Традиция ва маҳорат», Тошкент, «Фан» 1968.

1979 йил сентябрь ойида Ҳамзанинг 90 йиллиги кенг нишонланди. Бу катта илмий воқеа ҳамзашуносликда ҳам аниқ из қолдирди. Шу муносабат билан босилиб чиққан Ҳамза асарларининг русча нашрига Шароф Рашидов ёзган сўзбошиларда улуг санъаткор ижоди ӯзининг ҳаққоний баҳосини олди. Худди шу фикр академик Комил Яшиннинг шоир ҳақидаги альбомга ёзган сўзбошисига ҳам тааллукли. Юбилей муносабати билан ӯзбек ва рус тилида илмий монографиялар, марҳум Абдулла Хатамовнинг Ҳамзанинг Шоҳимардондаги фаолияти ҳақидаги китоби<sup>1</sup> нашр этилди. Ҳамзашунос Марҳамат Аминова адаб ҳақида ёзилган бадиий асарлар ва хотираларни тұплаб ӯзбек тилида китоб қилди<sup>2</sup>. Ҳамза ҳақида улкан рус ва қардош адилларнинг фикрлари русча китобча бўлди. Ҳамзанинг серқирра фаолиятини фотолар ва унга берилган изоҳларда кўрсатувчи альбом рус тилида нашр қилинди, аммо резюмелалари ӯзбек ва инглиз тилларида берилди.

Юбилей муносабати билан «Оловли йўллар» кўп серияли телевизион бадиий фильмини яратишга киришилди. Сценарий авторлари Комил Яшин, Борис Привалов ва Шуҳрат Аббосов. Бу фильм 12 серияли бўлиб, воқеалар марказида Ҳамза фаолияти туради. Илк серияларнинг марказий телевидение орқали на мойиш қилиниши томошибинлар таҳсинига сазовор бўлди.

Юбилей баён қилинган ҳамзашуносликнинг улкан муваффақиятлари бизни жуда хурсанд қилса ҳам лекин ҳали бу фан чўққига етишди дея олмаймиз. Чунки, Ҳамзанинг бой ва кўп қиррали ижодий мероси тұла тиклангани йўқ. Топилган асарлари ҳам текстологик жиҳатдан чуқур ишланиб, тұла оммалаштирилгани йўқ ва бу соҳадаги ҳаракат суръати қониқарли әмас. Ҳамза замондошлари, уни яқиндан билган кишилар кексайиб қолганига қарамай, улар-

<sup>1</sup> А. Хатамов. «Ҳамза Шоҳимардонда», Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1979 йил.

<sup>2</sup> «Ҳамза замондошлари хотирасида», Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1979.

нинг Ҳамза ҳақидаги эсдаликларини ёзиб олиш ва эълон қилиш яхши уюштирилган эмас. Қисқаси, шу кунда Ҳамзанинг барча асарлари етарли ва керакли-ча баҳоланди, унинг ўзбек маданияти тарихидаги катта хизматлари тўла очилди, дея олмаймиз. Ҳол-буки, улуғ ўзбек санъаткорининг бутун улуғворлиги, ижодининг сиёсий аҳамияти ва бадиий кучи кенг ва ҳар томонлама очилиши керак.

Бу талаб ўзбек адабиётшунослигининг ҳалқаро миқёсдаги сиёсий вазифаларидан ҳам келиб чиқади. Чунки, гарчи бизнинг мамлакатимизда Ҳамза ижодини камситиш ниятида бўлган ҳаракатларга алла-қачон чек қўйилган бўлса ҳам, лекин чет эллардаги ғоявий душманларимиз воқеликни бузиб тасвирлаб, фактларни сохталашиб, нотўғри фикрларни асо-сий қурол қилиб олиб, ўзбек совет маданиятига тух-мат қилишни шу кунда ҳам давом эттириб келмоқ-далар.

### ҲАМЗАШУНОСЛИК – ҒОЯВИЙ КУРАШ МАЙДОНИ

Ҳамза мансуб бўлган социалистик реализм интернационал проблема бўлиб, у дўстларимиз томонидан ҳам, душманларимиз томонидан ҳам жаҳон миқёси-да муҳокама этилиб келинмоқда. Шунинг учун ҳам у эстетика соҳасидаги идеологик кураш майдонидир. Бу курашнинг руҳи нақадар қизғинлигини ҳамзашу-нослик мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугун ўзбек совет адабиёти тарихига назар таш-лар эканмиз, унинг илк саҳифаларида оташин шоир, ажойиб драматург, публицист, инқилоб куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ёрқин қиёфасини яқ-қол кўрамиз. Чунки адабиётимизда, театр ва музика санъатимида социалистик реализмнинг қарор топиши ва ривожланиши худди шу улкан санъаткорнинг номи ва жўшқин инқилобий ижоди билан узвий боғлиқдир. Социалистик реализмнинг муносиб наму-палари бўлган унинг «Бой ила хизматчи», «Паранжи сирлари», «Майсаранинг иши» каби саҳна асарлари фақат ўзбек китобхони ва томошабинигагина эмас, жуда кўпчиликка яхши таниш. Улар рус тилида, СССР ҳалқларининг бошқа тилларида катта тираж-

лар билан нашр этилган, турли ҳалқлар саҳналарида ижро этилган. Ҳозир Ғофир бойлар ва шариат пешволарини болгар, корейс ва мӯғул тилларида ҳам фош қилмоқда. Майсарапинг ишидан поляк, француз томошибинлари завқ олмоқдалар. Ҳиндистоннинг Панҷоб шаҳрида Ҳамза музейи бор. Унинг революцион поэзияси инглиз, испан, француз, араб, урду ва бошқа тилларда ҳам янграб турибди.

1978 йил май ойида Тошкентнинг Ҳамза районида улуғ шоирга улкан ҳайкал ўрнатилди. Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим «Ёдгорлик олдидаги ўйлар» мақоласида шу тантанали очилиш маросимини, унда Ҳалқаро Тошкент кинофестивалининг иштирокчилари, кўпгина чет эллик меҳмонлар иштирок этган ва дил сўзларини изҳор қилганларини ёзади:

«Нотиқнинг немисча нутқида жуда кўп таниш сўзлар янгради. Ҳамза ва унинг туғилиб ўсан, уни эъзозлаётган юрти, асарлари немис тилида ҳам ўзбекка яқин жаранглади. Германия Демократик Республикасининг вакили профессор А. Виникнинг берган гувоҳлигига кўра Ҳамза фаолияти, жасорати демократ немисларгагина әмас, балки ҳамма ижодкорлар учун ҳамиша ўrnак.

Гамбиялик драматург Д. Сэндининг иқоридан янада мамнун бўлдим, фахрландим. Ҳамзанинг инқиlobий ижоди ўз озодлиги, мустақиллиги, янги ҳаёт учун курашаётган Африкада ҳам маълум ва машҳур, ўша жойларда ҳам жанговор хизматда»<sup>1</sup>.

1979 йил март ойида мен Эфиопияда бўлганимда ўша тантанада иштирок этган бир шоира Ўзбекистонга бағишлиб шеър ёзганини ва шеърнинг охирги икки мисраси Ҳамзага бағишланганини айтиб берди.

Ҳамза ижодининг обрўи ҳақида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳамза ижодининг қўшни Афғонистондаги бугунги шуҳрати ҳақида филология фанлари кандидати Ҳасан Қудратуллаев жуда қизиқ фактлар келтириб, бундай ҳикоя қиласди:

«Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг:

<sup>1</sup> «Ўзбекистон маданияти», 1978 йил, 8 август № 63 (2329).

Келди очилур чогинг ўзлигинг намоён қил,  
Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил.

матлаъи билан бошланадиган газали Шарқ хотин-қизларини асрлардан бери феодализм асоратидан озод этиш, уларни илм-фанни ўрганишга чақириш шиорига айланганлиги ҳаммага маълум.

Бугунги кунларда шоирнинг ана шу шеъри қанот ёзиб, мамлакатимиз доирасидан чиқиб катта сиёсий, маданий ва иқтисодий ўзгаришларни бошдан кечираётган Афғонистон Демократик Республикасига етиб келди.

Биз аввалги мақоламизда («Ўзбекистон маданияти», 5 март 1979 йил, «Янги замон тароналари») Афғонистонда Халқ Демократик партияси раҳбарлигига Апрель инқилоби ғалаба қилганлиги ва натижада мамлакатнинг барча миллатлари ўз она тилларида ижод қилишлари, ўқишилари мумкинлиги қонун билан тасдиқланганлиги ва ҳатто ҳафтада бир марта ўзбек тилида чиқадиган «Юлдуз» газетасида (муҳаррири Учқун) ўзбекча шеърлар босилаётганлигини хабар қилган эдик. (Ҳозир туркман ва балуж тилларида ҳам газета чиқарилмоқда.)

«Юлдуз» газетасининг таҳсинга лойиқ ишларидан бири — ўзбек классик ва совет адабларининг шеърлари, асарларидан, совет адабиёти вакилларининг ижодидан намуналарни ўз ўқувчиларига тақдим этишидир.

Утган йилнинг охирида газетада «Мушоира» рубрикаси остида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳақида қисқагина маълумот ва шоирнинг юқорида биз келтирган матлаи билан бошланадиган газали босилди. Редакция газетхонлар диққатига ушбу газални ҳавола қиласар экан, унга Шарқ анъанасига кўра жавобия тарзida шеър ёзишни таклиф этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ҳамза Ҳакимзоданинг ушбу ғазалини «Юлдуз» газетаси редакцияси томонидан танланиши тасодифий ҳол эмас. Ҳозирги кунларда Афғонистоннинг янги демократик тузуми хотин-қизларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши, уларни маданий, иқтисодий ҳаётга жалб этиш, саводли қилиш, ҳақ-ҳуқуқларини танитиш ҳақида

кўп иш олиб бормоқда. Ҳукумат томонидан хотин-қизларнинг тұла озодлигини таъминлаш, бидъат ода-ти бўлган қалин тўлашни йўқотиш ҳақидаги машҳур «Еттинчи фармон»и мамлакат аҳолиси, айниқса, хотин-қизлар томонидан катта қувонч билан кутиб олинди.

Шоиримиз Ҳамза Ҳакимзоданинг ушбу ғазали эса Афғонистоннинг ҳозирги сиёсий ва маданий аҳволига мос тушувчи ўзига хос чақириқ әди. Шунинг учун шеър эълон қилинишидан ҳаял ўтмай газета саҳифаларида жавобия шеърлар «Инқилоб ҳамосала-ри» (Инқилоб сатрлари) рубрикаси остида босила бошланди.

Шуниси диққатга сазоворки, шеър муаллифлари турли касб әгалари: ўқитувчи, зиёли, студент, давлат арбоби, уй қизи. Улар Афғонистоннинг турли бурчакларидан: Қобул, Маймана, Шибиргон, Мазори Шариф, Даشت Арчи, Андхўйдан.

Маълумки, адабиётда танланган шоир асарига жа-воб айтишда тегишли қонуният мавжуд. Жавоб айтuvchi шоир ҳар томонлама танлаган мавзуини маз-мун, қофия, иложи борича асар ҳажмига риоя қил-ган ҳолда асар яратиши, уни мазмунан бойитиши ва оригиналлик руҳини бериб, замон нафаси билан су-гориши лозим. Ҳозирги кунгача Ҳамза Ҳакимзода-нинг юқоридаги ғазалига 15 дан ортиқ жавобиялар яратилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз оригиналли-ги, бадиийлиги ва Афғонистонда бўлаётган ўзгариш-ларни ифодалаш, янгиликни тарғиб этишга интили-ши билан ажralиб туради.

Нашр этилаётган ғазалларнинг кўпчилигига албат-та, биринчи навбатда Ҳамза ғазалидаги мавзу: хотин-қизлар озодлиги ва тенг-ҳуқуқлиги туради. Аммо жавоб ёзган шоирлар ҳозирги Афғонистон тараққиёти ва иқтисодий масалаларини: Ватан васфи, қудратли ҳалқни куйлаш, ички ва ташқи душманга нафр-рат, илм-фанга интилиш, меҳнат ва меҳнаткаш об-разини ҳам ғазаллари мавзуига айлантиришган. Бу эса Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодининг кучи, шоир шарафидир.

Ушбу масалани янада ойдинлашиши ниятида жа-вобия ғазалларнинг айримларини тематикага ажра-тиб кўриб чиқиши мақсаддага мувофиқдир.

Хотин-қизларни озодликка чақириш мавзуи. «Юлдуз» газетаси ўзбек тилида шеър ёзадиган хотин-қизлар асарларини нашр этиб, газетхонларга тез-тез танишириб бормоқда. Ана шулардан бири, Ҳамза Ҳакимзода шеърига татаббуъ қилган шоира Олия Қардош (тажаллуси Лола) бўлиб, у қуийдагича ёzáди: «Юлдуз»нинг «Инқилоб ҳамосалари» унвонлик сафҳаси воқиан ҳам мумтоз саҳфадур. Ўзбекистон шоири Ҳамза Ҳакимзода шеърлари ҳам кўп юксак, олий ва равон. «Юлдуз» порлоқ жаридасида ундан истиқбол этиб мушоира бошлаганлиги бу мубориз шоирнинг кўпроқ тонишишга муюссар тушди. Хотун шоиралар ҳам ундан истиқбол этиб шеърларини чиқорсалар, негаким бу шеър аслида хотун-қизлар ҳақида дифоъ (ҳимоя) этишда ёзилган».

Шуни таъкидлаш керакки, Олия Қардош (Лола) шеърида Афғонистон қизининг юрак қаъридан чиқкан нидоси, хотин-қизларни озодликка чақириш билан бир қаторда, уларни меҳнат қилиш, хотин-қизлар эркинлигига қарши бўлган душманларга шафқатсиз бўлиш, «ишда кучни мезон қилиш», ҳамиша Ватанга хизмат этиш каби оташин чақириқлар жаранглайди. Биз бу юксак жавобияни тұла келтиришни лозим деб билдик:

Юр! Қимирла жойингдан, иш сарига жавлон қил,  
Эмди келди давронинг ёв бағрини қон қил.  
Қарнлар бўйида сен, эрдинг уйда зиндони,  
Кез юриб бу майдонда, ўзлигинг намоён қил.  
Кечакундуз ишлаб сен, тер оқиз бу туфрова,  
Ўлкани кейин қолган ишларини жаброн қил.  
Эски мотаму ҳасрат қолмасун күнгулларда,  
Кел ўзинг Ватан ҳалқин хизматига шоён қил.  
Еттилинчи фармондан ёрқин ўлди тун бахтинг,  
Қўрқма кел, бу майдона, ишда кучни мезон қил.  
Тўсқин ўлса мағразлар, ёнмагайсан измингдан,  
Онларин нишон айлаб ўқни тири мижгон қил.  
Боқма ёва сўзларга, ўтди чўрилик даврон,  
Мантиқ айла мантиқсиз, сўзларини ҳайрон қил.  
Йигди қиши бисотини, келди ўлкада кўклам,  
Чақна Лолалар янглиғ, ўлкани гулистон қил.

(«Юлдуз»: 29 марта, 1979.)

Шоир Муҳаммад Исҳоқ Санонинг «Намоён қил» шеърида назира айтишда Ҳамза ғазали мавзуини куй-

лаш принципи мавжуд. Аммо шоир демократик ҳукумат томонидан чиқарилган 7-қонунни хотин-қизлар ҳимояси ҳақидаги асосий қурол деб билади ва шеърда замона рухини бериб уни оригиналлигига эришади:

Үтди зулм даврони, келди маъдалат кони,  
Эмди илму ирфондин, үлкани чароғон қил.  
Хурият фазосида, боғу илм аросида,  
Еттинчи фармоннинг ҳукми бирла жавлон қил.  
Жаҳлнинг ҳисорини, сақфу буржу борини,  
Фазл ила бузуб ташлаб, они Ерга яксон қил.

(«Юлдуз», 28—29-сон, 1 февраль, 1979.)

Шоир Баёт «Мушкулингни осон қил» шеърида асрлардан бери феодализм асоратида қолган хотин-қизларни озодликка чиқариш, кишанларни синдириб эркинликка эга бўлишни ўзига хос овоз билан баён этган:

Жаҳл маҳбасидин чиқ, синдириб кишанларни,  
Очилиб қизил гулдек, ҳурлигинги эълон қил.  
Карнларча ғафлатнинг уйғусида ётдинг сен,  
Эмди кўз очиб ҳар ён сайри боғу бустон қил.

(«Юлдуз», 32—33-қўшма сон, 1 март, 1979.).

Нашр этилаётган жавобияларда мамлакатнинг ички душманлари, мулланамо Ғарб вакиллари, мустабиддин аҳлига қарши курашиш, уларнинг хоинона ҳаркатларини фош этиш, енгиш мавзуси асосий ўрин тулади.

«Юлдуз» газетаси сахифаларида инқилобий шеърлари билан танилиб қолган шоирлардан бири Фаридундир. Шоир Фаридун ҳам устоз Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий шеърига жавоб ёзар экан, жавобиянинг барча талабларига риоя қилган ҳолда иш тутади:

Эмди сен ҳам эй синглим, ўз кучинг намоён қил,  
Ишлоюб бу юртингга, они кўп шукуфон қил...  
Үлкани гулистон эт, халқларни шодон эт,  
Ёвларингни бошига бу жаҳонни зиндан эт.  
Эски сап-сариқ юзин қип-қизил қилиб эмди,  
Юзни биҳишт айлаб ўзлигинг намоён қил...

(«Юлдуз», 37—2-сон, 7 апрель, 1979.)

Ватанга муҳаббат мавзуи. Жавобиялардаги бу мавзуда Ҳамза Ҳакимзода газали замирида Ватан меҳри, унга садоқатни куйлашган. Шоир Ашраф Азимийнинг «Ватан ишқи» шеъри ана шундай мавзудаги жавобиялардан. Муаллиф ўқувчини ўз Ватанига «ошиқ» бўлишга, унинг халқ қўлга киритган ютуқларини ҳимоя қилишга, душманга қарши шафқатсиз бўлишга даъват этади:

Ошиқи Ватан бўлсанг, жонинг унга қурбон қил.  
Халқ хизматин айлаб, эҳтироми инсон қил,  
Эй гузал иним дехқон, ишчи бошлиғи бирла,  
Тўпланиб бутун мақсад, йўлларини осон қил.  
Халқ ёвларини топсанг, инқилобий шаклинида,  
Раҳмсиз ани янчид, феълидан пушаймон қил,  
Неча йил агар сурди ўзга кимсалар даврон,  
Эмди халқ даври деб, олга бору даврон қил.

(«Юлдуз», 33—3-сон, 12 апрель, 1979.)

Демократик тузум, инқилоб зафарларини ҳимоя қилиш, Ватан бирлигини сақлаш мавзуи шоир Салом Осимнинг «Ғайратинг намоён қил» шеърида ҳам ифода этилган. Шоир айниқса шу кунларда Афғонистонда халқ ҳокимиятига қарши тўскинлик қилаётган ички ва ташқи душманлардан Ватанини ҳимоя қилиш, душман найрангларини фош этишни алоҳида таъкидлайди:

Ҳар ғаним анод бирла бадназар агар қилса,  
Ёвларга қилиб ибрат хокрӯби зиндан қил.  
Барча қизу хотинга муждадан најот бергил,  
Зулмдан қутулдик деб ишчиларга эълон қил.  
Бехабар агар бўлса кўчи бирла дехқонлар,  
Билдириб уларни ҳам барчасини хандон қил...  
Жону дил била хизмат бу Ватанда қил Осим,  
Халқу ўлка йўлига сен ўзингни қурбон қил.

(«Юлдуз», 32—33-сон, 1 март, 1979.)

Меҳнат мавзуи. Афғонистоннинг охирги йиллардаги адабиётида бу мавзу қаришиб кўтарилилган эмас. Апрель революциясидан кейин эса Халқ Демократик партияси халқни янгидан тузилаётган беш йиллик планларини амалга оширишга, қолоқликда қолиб кетган

мамлакат иқтисоди ва маданиятини фақат меҳнат билан кутара олиш мумкинлигини тарғиб қилишга чакирмоқда.

Ҳамза Ҳакимзоданинг юқоридаги газалига яратилган жавобияларда ҳам асосий мавзу — хотин-қизлар озодлиги қатори уларни илмдан баҳраманд булишга, меҳнат қилишга даъват этувчи сатрларни кўрамиз.

Шоир Салом Осимнинг юқоридаги жавобия шеърида меҳнат васфи ва кишиларни меҳнатга чақириш нидоси жаранглайди:

...Улкада қилиб хизмат, халқقا қилиб улфат,  
Шодмон булиб эмди ҳурмати бу даврон қил.  
Тогу тошларинг кавлаб, бағридан чиқар дурлар,  
Қолма уйқуда эмди, фикри маъдану кон қил.  
Сенда гарчи кўп эрди, фикри иш қилиш бошдан,  
Эмди келди давронинг, қушигини чандон қил.

Шоир Мұхаммад Исҳоқ үзининг «Намоён қил» шеърида янги давр халқ манфаатига меҳнат қилиш вақти келганлиги шодиёнасини баён этиш билан бирга ҳар ким Ватанга, халқقا содиклигини фақат ва фақат ўз меҳнати — «амали» билан исботлай олишини алоҳида таъкидлайди:

Келди шодлик даври, хушлигинг намоён қил,  
Боғлабон белинг маҳкам иш сарига майлон қил.  
Халқий ҳизб файзидан, кетти нобаробарлик,  
Кел бу кун амал бирлан, хизматингни шоён қил.  
Үтди зулм даврони, келди маъдалат кони,  
Эмди илму ирфондин, үлкани чароғон қил...

(«Юлдуз», 28—29-сон, 1 февраль, 1979.)

Маълумки, Афғонистон қишлоқ хўжалиги энди юксалишга кўз тутаётган аграр мамлакатdir. Шунинг учун шеърларда дехқон меҳнатини васф этиш, уни ана шу меҳнатга чақириш каби мавзулар биз куриб чиқаётган жавоб газалларда ҳам асосий ўрин тутади. Масалан, шоир Сулаймон Даққокнинг «Соқий эмди жавлон қил» шеърида дехқонга қаратилган қўйидаги мисраларни кўрамиз:

Чиқди үлкага охир, ёрқираб қизил юлдуз,  
Гам йўқолди эй деҳқон, эмди лабни хандон қил.  
Сенга мужда эй деҳқон, келди янги давронинг,  
Маҳви зулм этиб мунда, маҳвалатни мезон қил...

(«Юлдуз», 41—6-сон, 2 апрель, 1979.)

Шуниси жуда қувонарлики, бугунги Афғонистонда нашр этилаётган шеърлар орасида деҳқон ва унинг меҳнати, қишлоқ хўжалигидаги энг муҳим экин — буғдор қатори биринчи марта пахтачилик ва пахтакор деҳқон образига мурожаат қилинмоқда. Шоир Муҳаммад Ашраф ўзининг «Пахтани фаровон қил» шеърида пахтадан Ватан ери «олтин» конига айланнишини, деҳқонга вақт ғаниматлиги, ғафлатга қолмаслиги ва пахтадан фаровон ҳосил олишга чақириги баён этилган:

Ҳар киши ҳавас қилсин, азму қарн номангни,  
Доимо чекиб заҳмат, ўзни марди майдон қил.  
Пахтазор ўлиб ерлар, юрт бўлгай олтунзор.  
Ғафлат этмагил деҳқон, пахтани фаровон қил.  
Халқ ичидан тонилгай, мардлар ҳунар бирлан,  
Кўрсатиб камолингни, ўзгаларни ҳайрон қил.

(«Юлдуз», 33—3-сон, 12 апрель, 1979.)

Шундай қилиб, «Юлдуз» газетасида улуг шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг машҳур ғазалига жавобиялар ҳамон оқиб келмоқда. Уларнинг айримларини биз юқорида куриб чиқдик, холос. Ҳамза Ҳакимзоданинг янгроқ чақириғи бугунги Афғонистон хотин-қизларини асрий қулликдан озод қилишга, уларни меҳнатга Ватан ҳимояси ва юксалишига халққа хизмат қилишга чақиришга ёрдам бермоқда»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Ҳамза энг яхши асарлари билан кўп миллатли совет адабиётининг оламаро шуҳратига шуҳрат қўшмоқда, социалистик реализмнинг халқаро обрусини оширмоқда.

Шоирнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга ўнлаб монографик тадқиқотлар, юзлаб мақолалар бағишлиланган. Узбек халқининг севимли шоирига чуқур ҳурматининг

<sup>1</sup> Ҳасан Қудратуллаев. «Ўзбекистон маданияти», 1979 йил 26 июнь.